# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

14 сон 5 — 11 апрел, 2007 йил




# ОЙТЎРА МОМОНИНГ ДУОСИ

Ойтўра Панжиева нафақат Янгиариқ тумани, балки Хоразм воҳасида энг табаррук момолардан. 105 ёшга қадам қўйдилар. Фариштали, қарашлари мулойим, кўзларидан нур ёғилади. Сўзларини айтинг- ҳар бир жумлада бир олам маъно.

- Тўғри, юз ёшдан ошдим - деди момо бизга юзланиб,- лекин болаларим, зинҳор одамзод умрини ёш билан ўлчамаслик керак. Унда янглишасизлар. Инсоннинг қанча ёшга кирганини йиллар билан эмас, қилган ишлари билан ўлчаса тўғри бўлади.

Қайтаётганимизда момо қўлларини дуога кўтарди:

- Илоҳим, эл-юртимиз тинч, фаровон бўлаверсин. Ҳар бир бандаи мўминни инсоф, диёнатдан айро қилмагай, ёр—биродарларимиз, фарзандларимизга тани сиҳатлик, сабр-қаноат, туганмас бахт-давлат ато этгай. Юртимизни ёмон кўзлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Дуога қўшилиб биз ҳам момога соғлик тиладик. Кўп безовта қилгимиз келмади. Илиқ хайрлашдик. "Сизларга ҳам менинг ёшимни бергай" ...Момо яна яхши ниятлар билан дуо қилиб қолдилар. Қишлоқ оқсоқоли ҳамроҳимиз Озод Абдуллаев йўл-йўлакай Ойтўра момо ҳақида қимматли маълумотларни гапириб берди:

- Ўзи асли қашқадарёлик. Тақдир тақозоси билан Хоразмга келин бўлиб тушган. Энди ҳаётнинг гуллаб-яшнаган пайти, айни илк фарзанд кутаётганларида иккинчи жаҳон уруши бошланиб, умр йўлдоши фронтга кетиб қайтиб келмаган. Ёлғиз фарзанди Турдиқулни ўзи ҳам ота, ҳам она ўрнида кўп заҳматлар чекиб, камолга етказган. Ўғлини "Олий маълумотли бўлсин, ҳаётда ўз ўрнини топсин", деб тунларни кунларга улаган. Момо мана шу орзуси рўёбга ошганидан ҳануз шод. Турдиқул вилоятда кўп масъул вазифаларда ишлади. Ҳозир "Ишонч" банклараро суғурта компаниясининг Хоразм вилояти агентлиги директори. Умр йўлдоши Хосият опа билан икки ўғил, уч қизни камолга етказишди. Улар ҳам халқ хизматида, ҳурмат-эътиборида. Фарзандлар, невараэвaралар момога парвоналар. Мана шундай пиру бадавлат кексаларимиз борлигидан фахрланамиз. Уларнинг ҳаёт йўли бизларга мактаб.

Ойтўра момонинг ўзи ҳам қишлоғи, маҳалладошлари билан фахрланишини қайта-қайта бежиз таъкидламаган экан. Қишлоқ оралаб, одамлар орасида бўлиб, бунга гувоҳ бўлдик. Бағрикенг, саховатли инсонлар кўп экан.

Фермер Жуманазар Қозоқов моддий мададга муҳтож, кўп болали оила соҳиби Ғойибназар Абдуллаевнинг мушкулини осон қилиб, унинг ўғли никоҳ тўйи харажатларини ўз ҳисобидан қилиб, чиройли тўй ўтказиб берибди. Яна бир фермер Олланазар Вафоев беш хўжаликни вақти-вақти билан ун, ёғ, гўшт билан таъминлаб турар экан. Нормат Матмуродов деган олийҳиммат тадбиркор "Истиқлол" маҳалласида болалар учун спорт майдончаси барпо этишга бош-қош бўлгани таҳсинга лойиқ. Ахир соғлом фарзандлар - юрт таянчи, мамлакат келажаги. Якка-ёлғиз Холиса Валиеванинг ҳолидан ўзи ишлаган Қори Ниёзий номли мактаб жамоаси тез-тез хабар олиб тураётганлиги ҳам савоб, ўзбекона қадриятлар улуғланаётганлигининг ифодаси. Собиржон ака Мадраҳимов узоқ йиллар пахта тозалаш заводида ишлади. Фидойи меҳнати билан кўпларга ибрат бўлди. Бироқ тақдир экан - умри охирида ногирон бўлиб қолди. Ўзи ишлаган жамоа унга хорижда ишлаб чиқарилган аравача совға қилди. Тадбиркорлар ташаббуси билан маҳалла гузарида бунёд этилган "Оталар чойхонаси" қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. 20 нафар ногирон боланинг ҳар бирига банкда "Болалар мақсадли омонати" ҳисоб рақами очилиб, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими томонидан маблағ ўтказилиб турилади. Зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик бўйича хонадонларнинг ўзида касаначилик услубида фаолият олиб бораётганлар сафи кенгаймоқда. Бу каби хайрли ишларда Қурбонбой Бобожонов, Машариф Собиров, Олланазар Назаров, Исмоил Эгамов, Моможон Отажонова, Марямжон Матқаримова, Шуҳрат Абдуллаев каби маҳалла фаолларининг хизматлари катта.

- Бундай хайрли ишларни кўриб, эшитиб Ойтўра момо жуда хурсанд, шод бўлади,- дейди Янгиариқ қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Озоджон Абдуллаев. - Қишлоғимиздан Зулфия номли Давлат мукофати лауреати бўлган Дилрабо Жуматова Ойтўра момога бағишлаб шеър ёзибди. Ўқиб берди. Момо қувонганидан кўзларига ёш олди. Қўлларини дуога очиб, эзгу ниятлар билдирди. Илоҳим, дуолари ижобат бўлаверсин. Ахир дуо билан эл яшаради, яшнайди, диллар яйрайди. Бахтимизга Ойтўра момо каби дуогўй кексаларимиз омон бўлсинлар!

**Абдулла САФОЕВ,**
**Хоразм вилояти,**
**Янгиариқ тумани.**

## Юз ёш билан юзлашганлар

# ОИЛА ШАМЧИРОҒИ



Нурота тумани Янги турмуш қишлоғидаги Ойимгул момо Ҳимматованинг умр йўли ва кўнгил мулкини оилага бўлган садоқат безаб туради. Момо 104 ёшни қаршилади. 104 ёш залворида 104 минг уқубат, 104 минг қувонч зоҳирдир. Момо умрининг мазмунини меҳрда, садоқатда деб билди.

Ойимгул момо 1 ўғил, 8 невара, 40 эвара ва 3 нафар чевара куршовида умр кечираётганидан жуда бахтли.

Унинг ёшлиги урушнинг оловли йилларида кечди. Ота-онадан эрта етим қолиб, колхозда ишлади. Бахтини меҳнатдан топди. 18 ёшида Жумақул билан тақдирини боғлади.

Оила деган қўрғонни муқаддас билган Жумақул ва Ойимгуллар Каттақўрғон канали қурилишида ишлашди. Қўй боқиб, буғдой ўриш, қўш хайдаш, қўйинг-чи, ўша даврда қандай меҳнат талаб этилса бўйин товламай ишлашди.

- Жуссам кичик бўлгани учун ҳўкизларни ҳайдолмай бригадирдан дакки эшитардим,- эслайди Ойимгул момо.

Жумақул бобо билан 56 йил умргузаронлик қилишди. Ёлғиз фарзандлари Бобоқулни еру кўкка ишонмай вояга етказишди. 93 ёшида бобо бандаликни бажо келтирди.

Ойимгул момо бугун қишлоғнинг катта-ю кичигига маслаҳатгўй, насиҳатгўй. Мустақиллик туфайли момо кўкрагига офтоб тегди. Президентимиз Фармони билан 1994 йилда "Шуҳрат" медали, 1995 йилда эса "1941-1945 йиллардаги урушда фашистлар устидан ғозонилган ғалабанинг 50 йиллиги" юбилей медали билан тақдирланди.

- Болаларим, меҳнатдан қочманглар, меҳнатнинг тоши оғир бўлгани билан оши ширин ва баракали бўлади,- насиҳат қилади момо фарзандларига. Мустақиллигимизга, замонамизга шукроналар айтиб, невараси Ҳамидулло ва невара келин Марямлар қарамоғида пиру-бадавлат, эъзозли онахон бўлиб яшаб келаётган момо:

- Келиним Марямдан миннатдорман. Чунки, уйим саришта, устим тоза, овқатим ўз вақтида тайёр,-дейди.

- Биз Ойимгул момо каби кексаларимиз борлиги билан фахрланамиз,-дейди "Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳайитқул Жуманазаров. - Улар ҳаёти биз учун бир мактаб. Қишлоқдаги кексалар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамиз. Мушкулларини ечишга ёрдамлашамиз.

Ҳа, орамизда кексаликни роҳат-фароғатда ўтказаётган нуронийларимиз борлиги шукр. Уларга қараб туриб, ҳаётга бўлган умидинг ва интилишинг кучаяди. Биз бу нурли онахон билан хайрлашиб чиқаётганимизда, момо узоқдан-узоқ дуолар қилдилар.

- Яратган эгам бандаларининг умрини узоқ, ризқларини бут қилсин. Замонамиз яхши, юртимиз тинч. Бундан-да ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда болам. Илоҳо, хотиржамлик ва тани соғлик тарк этмасин. Хонадонлардан қут-барака аримасин. Мен каби кексаларга иймон, ёшларга умри узоқлик, одил ҳукуматимиз ишига ривож тилайман. Ҳар бир юртдошларимизнинг оиласида мен каби файзли кексалари бор бўлсин.

**Марҳабо АҲАТОВА.**
**Навоий вилояти,**
**Нурота тумани.**

# КЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ...

*Маслаҳатчилар ҳаётидан*

Холтожихон Маҳмудова Андижон вилояти Избоскан тумани "Намуна" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган "Ровот" МФЙда диний-маърифат ва аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Олий маълумотли муаллима. Оилали. Энг муҳими, 3 минг 327 нафар аҳолининг ғаму шодлик кунларида, тўй-ҳашамларида ҳамда маъракалари-ю, маросимларида уларнинг ёнида елкадош.

**- Холтожихон, маҳаллани юрт кўзгуси, дейишади. Унда истиқомат қилаётган минглаб оилаларнинг кўнглига йўл топиб, керагида маслаҳат олиб, кези келса йўриғингизга солиш қийин кечмаяптими?**

- Халқимиз "бир болага етти маҳалла ота-она", "кенгашли тўй тарқамас" сингари мақолларни бежиз айтмаган. Бу ҳикматлар замирида кўп маъно ётади. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз аввало маҳаллада шаклланади. Одам туғилгандан то умри поёнига етгунча жамоат назарида, кўз ўнгида бўлади. Ўрганади, керак бўлса ўргатади. Ҳаёт давом этаркан, туғилиш бор, ўлим бор. Ана шундай пайтларда маҳалла фаоллари оёққа турадилар. Мен ҳам ҳар бир ишда уларга суяниб иш тутаман. "Маслаҳатчи" деган номнинг масъулиятини ҳис қилиб яшаш ва ишлаш менга завқ ҳам, куч ҳам беради.

**- Маросимларимиз, удумларимиз хусусида гапирганда улар замонамизга мослашиб бойиб бораётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунга муносабатингиз?**

- Тўғри, анъаналаримиз, одатларимиз ярашимли. Бироқ ўйлашга мажбур қиладиган томонлари ҳам йўқ эмас. Кимлардир имкониятлару иқтисодий аҳвол билан ҳисоблашишни ёқтиришмайди. Дабдабали тўй ўтказишни ният қилади. Баъзиларида бунга имконият йўқ. Шунда биз маҳалланинг фаол аёллари, отинойи, дастурхончилари билан бамаслаҳат иш тутамиз. Маросимларни камчиқим ўтказишга ҳаракат қиламиз. Негаки, тўй-тўкинларимиз бир-биридан андоза олади. Ҳозир илгаригидай уч-тўрт кунлаб тўй ўтказилмайди. Урф-одатларимизга амал қилган ҳолда фақат бир кун бўлади. Сарполар ҳам эл қатори, ортиқча хою ҳавасга эрк берилмайди.

**- Айни пайтда жойларда тиббий кўрикнинг ўтказилиши аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда. Шундай эмасми?**

- Тўғри, иш, бола-чақа, рўзғор деб қишлоқ аёли соғлиги ҳақида кам қайғуради. Ҳатто йилда бир бор тиббий кўрикдан ўтишга вақт тополмасди. Президентимизнинг аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни оширишга қаратилган қарори бу борада бизга қўл келди. Барча соҳа шифокорлари аҳоли орасида юриб, тиббий кўрикни ниҳоясига етказдилар. Шундан сўнг маҳалламиз аёлларидан 12 нафарининг "Пойтуғ" сиҳатгоҳида имтиёзли дам олишларини ташкил қилдик.

**- Ўзингизга маълум, қишлоқда кўпчиликнинг турмуш даражаси бирдай эмас. Бу борада қилинаётган ишлар қай аҳволда?**

- Беш қўл баравар бўлмаганидек, маҳалламизда иқтисодий жиҳатдан қийналаётганлар ҳам йўқ эмас. Фаолларимиз билан ана шундай хонадонларни ўрганиб чиқиб, қўлдан келганча ёрдам уюштирмоқдамиз.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон.**

# МАҚСАД АНИҚ БЎЛГАЧ...

*Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан*

***Жиззах вилоятида ижодий сафарда бўлганимизда Фориш тумани хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ҳақида илиқ гаплар эшитдик.***

- Маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ишини жонлантириш, замон руҳига мос тарзда ташкил этиш учун ҳар ойда икки мартадан семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келаяпмиз, - дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Исмоилова. Шунингдек, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, оналар ва болалар, туғиш ёшидаги хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш мақсадида туман соғлиқни сақлаш бўлими, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг вилоят бўлими ва таянч пункти билан ҳамкорликда аёллар, болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликлари аниқланганлари, амбулатория ва стационар шароитида соғломлаштирилди.

Қўмита иши билан танишар эканмиз, шуни англадикки, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ҳаракати, ФҲДЁнинг туман бўлимлари ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Йил бошидан бери 176 та никоҳ қайд этилган бўлса, никоҳланувчи йигит-қизларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Вақти-вақти билан бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб турибди. Йилнинг ўтган олти ойида иш сўраб мурожаат этган хотин-қизларнинг 86 нафари доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди, яна 24 нафарига эса вақтинча ишсизлик нафақаси тайинланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари ҳам қўмита эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Туман ҳудудида республика мудофаа вазирлигининг 2 та ҳарбий қисми жойлашган бўлиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, умумтаълим мактаблари ва коллежлари талабалари билан аскарларнинг учрашувлари анъана тусига кириб қолган. Мактаб ўқувчиларининг "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказишда хотин-қизлар қўмитаси ҳам фаол ташкилотчилардан бири бўлиб келаётир.

- Туманимизда 100 ёшдан ошган онахонларимиз сони 16 нафарни ташкил этади, - сўзида давом этади Гулнора опа. - Қолаверса, 46 нафар тўшакка михланиб қолган ногиронлар бор. Байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳомийлар ёрдамида турли совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар топширишни йўлга қўйганмиз. Умуман, "Ижтимоий ҳимоя йили"-да мурувват, саховат тадбирлари режаларимизнинг каттагина қисмини қамраб олган. Жумладан, туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар кўмагида 114 ёшли Самара Умрзоқованинг юбилейини, кам таъминланган бир оиланинг никоҳ тўйини, боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан 2 нафарининг хатна тўйини ўтказдик.

Ҳа, мақсад ва режалари аниқ бўлган, Фориш туман хотин-қизлар қўмитасининг "Ижтимоий ҳимоя йили"даги ишлари ана шундай хайрли ва эзгудир.

**Д. ИБРОҲИМОВ**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ЎССИН



*Суҳбатдошимиз—Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 4-сон Болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Мактуба Иноятова.*

**— Мактуба опа, муаллифларимиздан бири-рассом — Шавкат Музаффар сиз бош бўлган касалхона шифокорларининг саъй-ҳаракати туфайли фарзанди тузалиб кетганлиги учун газета орқали миннатдорчилик изҳор этгани таҳририятимизга келди. Касалхона фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Мақтанишга йўймангу, республикамизда шифохонамизни намуна сифатида кўрсатишади. Чунки врачлардан тортиб, ҳамшираларимизгача ширинсўз, маданиятли, ўз ишининг устаси. Шифохонамизда кўпроқ гепатит, ичак касалликлари билан оғриган 3 ёшгача бўлган болалар даволаниб кетишади. Жонлантириш бўлимида Маҳмуда Тоҳирова, Дилдора Маҳмудова, Фазлиддин Рашидов сингари малакали шифокорлар меҳнат қилишади.

Бундан 20 йиллар муқаддам бир одам 3 яшар боласини оғир аҳволда шифохонамизга олиб келганди. Ўшанда мен энди иш бошлагандим. Боласини жонлантириш бўлимига ўтказганимизда, отаси: "Неча йиллардан бери Оллоҳдан сўраб олган яккаю-ягона зурриёдим. Унга бирон нарса бўлса, менга бу дунёнинг қизиғи қолмайди", - дея йиғлаб-ёлворганди. Малакали шифокорларимиз ёрдамида ўғлини даволаб, ҳаётга қайтардик. Орадан йиллар ўтиб, шифохонамизда даволаниб кетган ўша йигит топармон-тутармон бўлиб, касалхонамизнинг иккита бўлимини тўлиқ таъмирдан чиқариб берди. Энди чет элдан аппаратлар олиб бериш ниятида. Ҳомийлик қилган йигит астойдил савоб ишга қўл урганлигини айтиб, исмини сир тутишимизни илтимос қилди. Биз ўша йигитга касалхона номидан миннатдорчилик билдирмоқчимиз.

Ўстираётган фарзандларимиз эл корига ярасин. Оилалар тинч, ҳамма соғ-саломат бўлсин.

**Адиба УМИРОВА**
**суҳбатлашди.**

## "ОИЛА—МУҲАББАТ ҚАСРИ"

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси фаоллари Тошкент шаҳар Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси, туман Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда Тошкент педагогика коллежида "Оила - муҳаббат қасри" мавзуида учрашув ўтказишди.

Тадбирда "Олтин мерос" жамғармаси ижрочи директори Насиба Усмонова, Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси ходимаси, тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхўжаева, Юнусобод тумани ФХДЁ бўлими мудираси Марҳамат Йўлдошева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби аёллар масаласи бўйича ноибаси Озодахон Тўлаганова, олима Дилбар Носированинг маърузалари тингланди.

Учрашув қатнашчиларининг саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Ахборот*

## АЁЛ, ОИЛА—ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Аёл, оила ва жамият" мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция айнан шу масалаларга бағишланди.

Тадбирда Республика Хотин-қизлари қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Акбарова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими М.Ҳусанова, Тошкент шаҳар Миробод тумани суди раиси Ё. Ҳайдарова ва бошқаларнинг кўтарилган мавзу доирасидаги маърузалари тингланди. Аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ижтимоий муаммоларига эътиборни кучайтириш масалалари борасида фикрлашилди.

**Ҳ. ҲОТАМБОЕВА**

# ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ



4 апрель куни Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошевнинг "Ёниқ сўз" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар "Ёниқ сўз" китоби бугунги ўзбек адабиётининг энг долзарб масалалари тадқиқига бағишланганлиги, янгича тамойиллар яққол намоён бўлганлиги билан ажралиб турадиган, мустақиллик йилларидаги адабиётшунослик ва танқидчиликнинг долзарб муаммоларига йўналтирилган тўплам эканлигини, шунингдек, миллий адабий тафаккур ривожига жиддий таъсир кўрсатишини эътироф этдилар.

Китоб "Англаш йўли", "Кўркамлик чечаклари", "Чизгилар" каби бўлимлардан иборат бўлиб, унда муаллифнинг турли йилларда ёзилган мақолалари, асарлар таҳлили - ўзбек адабиётидаги бадиий-услубий йўналишларга хос хусусиятлар, бир қанча таниқли адиблар ижоди яхлит бир эстетик ҳодиса сифатида таҳлил этилган.

Китоб "Янги аср авлоди" нашрётида 500 нусхада чоп этилган бўлиб, у бадиий адабиёт мутахассислари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Тадбирда адабиётимизнинг етук олимлари, ёзувчи ва шоирлари, республикамиз олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари ҳамда матбуот ва телевидение ходимлари иштирок этишди.

**ҲУЛКАР**

Шахсий фикр

# ЭРТА УЛҒАЯЁТГАН БОЛАЛАР

"Қуш уясида кўрганини қилади",- дейди халқимиз. Назаримда айрим болалар эрта улғайиб қолаётгандек туюлади. Кўча-кўйда, гавжум бекатларда, энг муҳими, бозорларда савдо-сотиқ қилаётган, харидорлар билан бемалол талашиб, муомала юритаётган болакайларни кўрсам юрагим ачишади. Нега? Ахир, улар балоғатга етмаган норасида. Шундай экан, болалик завқини туйсин. Ота-онаси билан бирга пул топиш йўлини изламай, уларнинг кўмагида келажагини ярата олсин. Илмнинг ортидан қувсин. Чунки, ҳамма нарсанинг вақти-соати бор.

"Ундай бўлса фарзандларимизни пул билан муомала қилишга қачон ўргатамиз", - деган ҳақли савол туғилади. Болаларга майда харажатлар учун қанчадан пул бериб туриш керак? Ортиқча пул болаларни бузиб қўймайдими? Савол-саволни етаклаб келаверади. Менимча, болаларни пул билан муомала қилишга ўргатиб борган маъқул. Чунки, кундалик эҳтиёжларимиз учун зарур бўлган нон, қанд, туз, чой, ёғ каби маҳсулотларни харид қилишни билсин. Қолаверса, бу ҳам меҳнат тарбиясининг бир кўриниши, бола муомалани ҳам ўрганади. Катталар билан савдо-сотиқ жараёнига тенг қатнашиш уни руҳлантиради. Ўзини вояга етгандек ҳис қилади.

Лекин, боланинг савдо-сотиққа эрта аралашиб кетиши ҳам кўп ҳолларда яхшиликка олиб келмайди.

Содиқжон (исми ўзгартирилган) ёшлигидан савдога берилди. Ўқишдан бўшади дегунча бозорга ота-онасининг ёнига чопади. Улар ҳам ўғилларининг кўзи пишсин, деб унча-мунча молларни сотиб туриши учун унга изн беришди. Бола ҳаволанди. Ярмини онасига берса, ярмини чўнтакка урди. "Ўғил бола-да, чўнтагида пул турсин",-деди ота ҳам ғурурланиб. Бора-бора боланинг мактабдан кўнгли совий бошлади. Ҳа, деса (қўли пулга ўрганган эмасми) бозорга борадиган одат чиқарди. Ўқитувчининг боладан шикояти ҳам ота-онани сергаклантирмади. Охир-оқибат нима бўлди, номаъқул ишлар қиладиган кўча болаларига қўшилди, тарбияси бузилди.

Бир ривоятда айтишларича, бир кишининг ўғли ишёқмас, ота-она пулини қадрламайдиган бўлиб ўсади. Ота фарзандини меҳнатга ўргатиш учун: "Бугундан эътиборан ўз кунингни ўзинг кўргин",- дейди. Бола эрталаб иш ахтариб кетади. Лекин меҳнат қилишга бўйин ёр бермай, кечгача саланглаб, кечқурун уйга бўшашиб қайтиб келади. Бечора онанинг раҳми келиб, унинг қўлига бир танга тутқазиб: "Отангга бергин",- дейди. Отаси тангани олиб "топганинг шуми",- дейди-да, ёниб турган олов ичига отади. Бола пинагини бузмайди. Бу воқеа иккинчи кун ҳам такрорланади. Учинчи куни эса бир кишига мардикор бўлиб ёлланади. Кечгача ишлаб, бир танга топиб келади ва хушкайфият билан отасига беради. Ота унинг бу тангасини ҳам ўчоққа улоқтиради. Шунда ўғил ўрнидан даст туриб, оловга ўзини ташлаб, тангани олмоқчи бўлади. Ота: "Ҳай-ҳай, ўғлим, тўхта. Ўчоққа тош отган эдим. Мана тангант",- дея унинг пулини қайтариб беради. "Ана кўрдингми",- дея хулоса қилади ота: - "Пешона тери тўкиб топилган нарса қадрли ва ширин бўлади". Дарҳақиқат, бола ўзи қилаётган меҳнат ва унинг натижасидан завқ-шавқ олсин. Топаётган даромадидан кўнгли тўлсин. Бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга ёрдам беради.

- Болаларнинг бозорга чиқишининг ўзида хавф йўқ,-дейди фахрий педагог Хонзодахон Юсупова. - Агар ўқишни ташлаб, мактабга бормай, фақат бозорда куни ўтаётган бўлса, албатта бу ташвишли ҳолат.

- Агар бола ҳалол-пок оилада вояга етган бўлса, бозордаги нопокликлар уни бузиб юбормайди, - дейди ҳуқуқшунос Рашидахон Рустамова. - Бордию тўқнашганда ҳам улардан нафратланади. Қолаверса, бозор фақат каззобларгина иборат жой эмас. У ерда ҳам ҳалол меҳнат билан кун кечираётганлар бор.

Нима бўлганда ҳам бола-бола-да. У ёшига мос тарзда улғаймоғи керак. Ота-она кўмагида келажагини ярата олсин. Болалик завқини туйсин. Пул топишнинг, савдо-сотиқ қилишнинг эса ўз вақти-соати бор.

Сиз нима дейсиз, азизлар?

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**

# ОТАЛАР КИТОБИ



Тарбия соати

(Боши ўтган сонда)

Болангга ёмон қилиқлар қаердан "юқади"? Сен ишда пайтингда болангнинг кўзи тушган тенгқурлари, ахлоқсиз одамлардаги ёмон қилиқлар, қулоқлари эшитган гап-сўзлардан. Улар қилиққа айланиб, жойи келганда ўғлингнинг миясидан ташқарига чиқаяпти.

Яна бир сабаб — сен эътибор қилган, гапирган, лекин машқ қилдирмаган, оқибатда ўсмай қолган фазилатлар.

"Фалончининг ўғли ёмон", дейишади. Аслида, бу нотўғри. Одам эмас, берилган тарбия нотўғри бўлган. Демак, ёмон бўлган. Бундан бир неча йиллар олдин сезилмаган иллатларнинг бугун юзага чиққани бу. Кейинроқ, бола каттароқ бўлганида яна каттароқ, кучлироқ бўлиб чиқади. Ўшанда кеч бўлади. Сен ожиз, боланг ҳам, ундаги иллат ҳам кучли бўлади. Дардинг, хафсаланг, ироданг етмай, уф-ф, деб қолаверасан.

Ўғлим ёмон, деб кимга айтасан? Айтишдан не наф? Қайта тарбия тарбияга қараганда кўпроқ билим, куч, вақт, чидам, ҳатто валидол - юрак дориси сўрайди. Шу кунга тушма. Бугун болангнинг тарбиясига 5 минут вақт ажрат. Эртага кўпроқ ажрат. Бу — мен учун ё бахтли, ё бахтсиз карилик масаласи деб қара.

Қани, бардам бўл. Бошла. Болангнинг феълида нечта камчилик бор? Сана, ёз, тузат.

**ТАРБИЯ ВАҚТИ**

Ўғлим. Баъзида оталар орасида: "Ўғлим билан яхшилаб гаплашиб қўйдим", деган гаплар ҳам юради. Аслида сал бошқача. Тарбия, қандай яшашга ўргатиш, ўргатиш тўхтамайди. Фақат боланг ухлаганида тўхтайди. Эртага эрталаб яна бошланади. Боланг сени неча соат кўрса, шунча вақт сен унинг кўзлари орқали тарбияляпсан.

Сенга Наврўз куни SMS табрикнома келди. Боланг кўрди. Унга ўқиб бер. Табрик юборган дўстингни яхшила. Булар ҳам тарбиялайди. Сенинг қандай кийинишинг, кулишинг, одамлар билан муомаланг, дўстларга меҳринг, душманга қаҳринг, газета ўқишинг, арoқ ичишинг, ёлғон гапиришинг - ҳамма-ҳаммаси болангга жонли намуна, андоза! Телефонда гаплашаётганингда, сен шуни билгинки, боланг ҳар бир гапингни, фикрингни, овозинг оҳангини сезиб туради. Мақтанганингда, ғийбат, хушомад қилганингда ёки: - "Мени йўқлар де", деганингда болангга янада қизиқроқ туюлади. Демак, кучлироқ "юқади". Кўпроқ намуна олади. Сен бошқа нарсани ўйлаётганингда, у сени ўйлаётган бўлади. Билмай қоласан. Кейин ҳайрон бўласан, болам бу иллатларни қаердан ўрганди экан-а, деб.

Болалар пок туғилади. Яхшилик, савоб, меҳр нималигини ҳам, ёлғон гапириш, манманлик, кўполлик қандай бўлишини ҳам ҳали билмайди. Кимдан кўради, кимдан эшитади буларни? Кўпинча катталардан. Пок болани нима бузар экан? Кўп ҳолларда катталардаги иллатлар. Ким бузар экан? Асосан катталар. Шундай бўлса, инсоният ҳар асрда айтиб нолийдиган: "Ёшлар бузилиб кетди" деган нолиш тўғрими? Йўқ! Ҳар биримиз эртага битта иллатдан қутулсак, болаларимизга битта яхшилик қилган бўламиз.

Ўғлим, ўзингга "Мен отаман", деган талабни қўй. Ота деган мартабага номуносиб сўз айтма! Номуносиб иш қилма. Ўзингни, сўзингни ҳурмат ва назорат қил! Ҳар қадамда! Оқибат — бахтли ота бўласан.

**ОТА ОБРЎСИ**

Ўғлим, боланг сенга қулоқ солмай қўйса нима қиласан? Аввал бунинг сабабларини айтай.

Бола отанинг айтганини қилмай қўйса, бунга сабаб — унинг гапини қадрламаслигида. Қадрламаслигига сабаб — отанинг бола олдида обрўси тушганлигида. Бола ҳам, катта ҳам ўзи ҳурмат қиладиган, тан оладиган кишининг фикрини қадрлайди, амал қилади. Бунинг учун — ота боласи билан бирга ўйлаб, бирга ўйнаб, бирга ишлаб, обрў қозониши керак. Ҳозир ота-оналарда бир хато кўп учраётир. Бу — "Болам мен нима десам, шуни қилса. Жим юрса, жим ўтирса. Шунда мен тинч бўлардим", деган қараш. Ана шу мақсадга эришиш учун айрим оталар илтимосу илтижодан бошлаб уришгача чоралар қўллаётирлар.

Болани доим қўрқувда, тазйиқда тутиш, "бошлиқ- ходим" усулида расмий гаплашиш, мақтаниш: "Нотўғри бўлса ҳам менинг айтганим бўлади", деган қараш қулни тарбиялайди, "дадангни яхши кўрмайсанми?" деган муносабат, ортиқча эркалаш, "агар айтганимни қилсанг, фалон нарсани олиб бераман", дейишлар ҳам ота обрўсини туширади. Отани у боласига олиб берадиган нарсадан арзонроқ қилиб қўяди. Бу - ёмон.

Ота обрўсини:

— бола ҳаётига, ташвишларига, орзуларига қизиқиш, бу ҳақда катта дўстдек гаплашиб, ёрдам бериб бориш, эринмаслик;

— ўз иши, бизнеси, режалари ҳақида ҳикоя қилиб бериш;

— фаол граждалик позицияси;

— кенг дунёқараш;

— самимият;

— айтган сўзининг устидан чиқиш;

— фарзандини кичик, тажрибасиз, лекин инсон сифатида ҳурмат қилиш;

— педагогик мулоқот маданияти кўтаради.

**ТАРТИБ - ИНТИЗОМ**

Ўғлим. Тартиб - тирикликнинг, ривожланишнинг, ҳаётнинг шарти. Учаётган самолётнинг ҳар бир қисми аниқ тартибга бўйсунган. Бирор "аъзоси" тартибни бузса, самолёт ерга қулаб тушади.

Одамнинг бирор аъзоси тартибни бузса, ёмон ишласа, эгаси касал бўлади. Бирор ишни бажариш тартиби ишлаб чиқилмаган бўлса, ё бузилса, у битмайди, ёки чала бўлади. Ўргатмасанг, унинг гапи, ишидаги бетартиблик ҳар куни сени хафа қилаверади. Уялаверасан.

Ўғлингни тартиб билан
**ЎЙЛАШГА,**
**СЎЗЛАШГА,**
**ЎҚИШГА,**
**ИШЛАШГА,**
**ЯШАШГА** ўргат!

Обрўси баланд бўлади. Бу назарий гап. Насиҳат. Амалга ошириш учун нима қилай, деб ўйлаяпсан. Диққат қил: ўғлинг ҳар куни қиладиган ишларини ёзиб, бажарилганини ўчириб борсин. Дам олиш, ўқиш, ўйин учун ҳам вақт ажратсин. Иш пайтида фақат ва фақат ишни ўйласин. Дарсда фақат дарсни ўйласин. Йўлда кетаётса, йўлни ўйласин. Хаёли паришон юрмасин.

Бирданига икки ишни ўйламасин. Бирданига икки ишни қилмасин. Иккаласи ҳам хом бўлади. Изза бўлади.

Табиатни тартибга солиб бўлмайди. Одамни - мумкин. Болангнинг тартиби, хулқидан хотиржам бўлишни истайсанми? Унда ишни унга тўғри ўйлашни ўргатишдан бошла. Ахлоқий қоидалар, бурчларини қандай вазиятда, қандай бажаришга машқ қилдир. Токи, эртага ўғлинг ўзининг фарзандлик, граждалик, Ватан ва миллат олдидаги бурчларини рисоладагидек бажаришига ҳеч шубҳа қолмагунча!

Унутма! Агар ўзинг тартибли, интизомли бўлмасанг, боланг тартиб-интизомли бўлмайди.

**КЕКСАЛАРГА ҲУРМАТ**

Ўғлим. Баримиз кексалик, деган манзилга бораётган йўлдошлармиз. Бугун - мен, эртага - сен. Биров олдин, биров кейин. Баъзи халқларда кексаликдан қўрқиш, чўчиш, қочиш бор. Биз ўзбекларда эса кексаликни одамнинг энг иззатли оромбахш даврига айлантирувчи маданият, муҳит бор. Болангни таниш-нотаниш, миллати, динидан қатъи назар кексаларни ҳурматлашга, уларни иззатлашга ўргат.

Кексалик ақлли гўдакликка ўхшайди. Гўдак — ҳеч нарсани билмайди, ҳамма нарсани билишни, кўришни истайди! Мўйсафид эса ҳамма нарсани билади, лекин қила олмайди. Ҳамма нарсаси бор-у, ҳеч нарса ёқмайди. Ҳамма аъзолари тинчлик, ором истайди.

Миллатимиз тарихида кексалар ҳар доим, ҳамма жойда тирик тарих, аждодларни кўрган, ҳикматли улуғлар деб эъзозланган. Уларни ҳурматлаш масаласи муҳокама қилинмаган. Унга амал қилинган. Қарияларнинг кўнглини овлаш бўйича ака-укалар баҳслашиб юришган.

**(Давоми бор)**

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

# АКА ЕТКАЗГАН ЗАРБА...

- Ҳали уйланмаганман,- дея сўз бошлади редакциямизга ташриф буюрган йигит. Онам қариб қолганлар. Отам тўсатдан оламдан ўтдилар. Биз икки ўғилмиз. Акам билан муносабатимиз жудаям яхши эди. Бироқ... Акам уйланганларидан кейин иккимизнинг муросамиз унчалик келишмай қолди. Акам хотинининг йўриғидан чиқмас, келинойим ҳам тилли-жағлигина экан. Бу эса менга ёқмасди. Онам ҳам: "Майли, болам, қўй, шу келинойинг билан олишма. Аканг билан бахтли бўлса бўлгани", дея менга насиҳат қиларди.

Бир куни келинойимдан кийимимни ювиб беришини илтимос қилдим. Аммо эрталаб туриб, кийимим ювилмаганини кўриб, келинойимга: "Нега ювиб қўймадингиз? Ахир илтимос қилгандим-ку! Ҳозир кийиб кетишим керак эди-я..." - дедим босиқлик билан. Келинойим эса арзимас шу гапга ҳам йиғлаб, уйига кириб кетди.




Кечаси соат 12 ларда акам ишдан келибди. Келинойим воқеани ошириб-тошириб айтиб берган шекилли, акам ғазабланиб хонамга кириб, ухлаб ётганимга ҳам қарамай, қаттиқ нарса билан бошимга ура кетди.

Мен ҳеч нарсага тушунмай, ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида акамга қўл кўтардим. Бақир-чақирни эшитиб, югуриб кириб келган онам мени қарғай кетди. Мен эса ўзимни оқлолмай, уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Орадан бир ойча вақт ўтгандан кейин онам мени кўчада кўриб қолиб, ялиниб-ёлвориб уйга қайтариб олиб келди. Аммо уйдаги шароит ундан баттар бўлса бўлдики, осонлашмади. Энди акам ичадиган одат чиқарган, келинойим ҳам ҳар икки гапнинг бирида: "Уканг чиқиб кетса, биз тинч яшардик, онанг ҳам ортиқча бу уйда", дегани-деган. Акамнинг уйи бузилмасин, дея мен ҳеч нарса демасдим. Онамнинг ҳам дарди ичида.

Калтак теккан бошим кўп оғрийдиган бўлиб қолди. Шифокор текширувларидан сўнг маълум бўлишича, менинг миямда хавфли ўсимта пайдо бўлибди. Бу ҳунук хабарни эшитган уйимдагилар жуда саросимага тушиб қолишди. Арзимас гап туфайли жанжал чиқарган келинойимнинг дарди ичида, қилган ишидан жуда пушаймон. Оқибатда мен бир умрга майиб бўлиб қолдим.

Орадан бир-икки ой ўтиб, қаттиқ мазам бўлмай, касалхонанинг жонлантириш бўлимига тушиб қолдим. Акам ёнимга йиғлаб келиб: "Укажон, мен сенинг олдингда гуноҳкорман! Сени майиб қилиб қўйдим. Мени кечир, укажон!" - дея тиз чўкиб, кечирим сўрадилар.

**- Сиз нима дедингиз, акангизга?**

- Нима ҳам дердим? Бари бефойда... Чунки ҳозирги пайтда мен оғир ва бедаво дардга мубтало бўлганим боис, ҳам жисман, ҳам руҳан тушкунликка тушганман.

**- Ҳа, жуда ҳунук иш бўлибди. Онангизнинг бахтига жонингиз омон бўлсин. Сизга сабр-тоқат тилайман, - дея йигитни кузатиб қолдим.**

***"Чинакам мўмин шундай одамки, унинг тилидан ҳам, қўлидан ҳам бировга зиён етмайди", дейилган муборак Ҳадисда. Бироқ шундай одамлар борки, уларга зиёни етмаган инсонларга ўз зиёнларини етказадилар. Қанийди, Оллоҳ шундайларга инсоф берса...***

***- Сиз нима дейсиз, азиз юртдошим?..***

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**

## ГАЗЕТХОН ТАКЛИФИ

Ўзингизга маълум, аёлларимиз дугоналари билан гап-гаштак баҳона йиғилиб туришади. Шундай йиғинлардан бирида ўтирган аёллар фотиҳа ўқиш, дуо қилиш ҳақида тортишиб қолишди. Уларнинг сўзларини эшитиб, менинг ҳам ёшлигим ёдимга тушди.

Онамиз раҳматлик нон ёпсалар, ёки тансиқ овқат қилсалар ён қўшнимиз Хатира опоқига илиниб турар эдилар. Хатира опоқининг узундан-узун дуоларини деб, биз - опа-сингиллар сен олиб чиқ, мен кеча чиққанман, деб талашар эдик. Ахир опоқи дуо ўқиб

# ЯХШИ НИЯТЛАР ҚИЛИБ...

бўлгунларича билакларимиз оғриб кетар, сабримиз чидамас эди. Энди Ҳадислардан ўқиб билсам, опоқимиз дуо ўқиб бўлгунларича, дуога очиб турган қўлларимизга, Оллоҳнинг раҳмати ёғилар экан. Бир уй аёл чиройли фотиҳа қилиб, чиройли дуо ўқишни раҳматли Хатира опоқичалик билмас эканмиз. Айниқса фарзандлар улғайгач, совчи кутамиз, совчиликка борамиз. Фариштаиликкина аёлнинг чиройли ўқиган дуосига беихтиёр қўшиламиз.

Синфдош дугонамиз Ақидахоннинг катта оилага бош келин бўлгани, қайнота-қайнонасининг ҳурматини жойига қўйганини, қуда-андалар билан борди-келдини ҳам чиройли қилганини, жуда чиройли дуо қилишини биламиз, унга ҳавас қиламиз. Шуларни ўйларканман, менда шундай бир фикр туғилди. Севимли газетамиз саҳифасида "Олтин олма, дуо ол" деган рукн очилса, қандай бўлар экан? Газетхон онахонларимиз чиройли фотиҳа ўқиш, дуо қилиш ҳақида билганларини ёзиб юборишса, энг яхшиларини саралаб, газета саҳифасида бериб борилса... Ахир фотиҳа ўқиш - алла, ёр-ёр, ёки лапарлар айтишдан ҳам аввал ўқиладику? Сиз бунга нима дейсиз?

Хатира опоқимиз ўқиган дуолари орадан ярим аср вақт ўтса-да, ҳамон ёдимда:

- Илоҳи омин, тани-сиҳатлик, хотиржамлик бўлсин. Мени сийлаб чиқибсан, Оллоҳим сени сийласин. Тупроқ олсанг олтин бўлсин, тўрт мучанг соғ-омон бўлсин. Онанг-отанг билан қўша қариб, сизларнинг бахтингизни кўриб юрсин. Ўзингни ҳам, укаларингни ҳам тан-жонгинаси соғ бўлсин, имонгинаси бутун бўлсин. Имонли-тавфиқли, мўмин-мусулмон бўлиб, кўп ой-кунларга ўйнаб-кулиб етиб юринглар. Ўтганларни Оллоҳим раҳматига олсин, қолганларни саломат қилсин. Юртимизга тинчликни ато қилсин. Жумлаи мўмин қаторида уйимизга, дастурхонимизга файзу баракотни ёғдирсин, ризқимизни бутун қилиб берсин. Ой-куни яқинларга оқ йўл берсин. Мусофирларни балою қазолардан асрасин. Илоҳим ёмон кўзу назар-нафасдан асрасин. Ўт балоси, сув балоси, қуруқ туҳматдан, бевақт ўлимдан ўзи асрасин.

Раббано атино, фит дунё ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан ва қино азобан нор ва раҳматга ёр. Оллоҳу акбар!

Чиройликкина, озгинаю созгина фотиҳа дуо бўлса-ю, газета саҳифасида ўқиб-ўргансак, бир уй аёллар бир-биримизга "сиз ўқинг", "ўзингиз ўқинг", деб имлаб ўтирмасмидик?

**Манзура САФАРОВА,**
**Тошкент вилояти, Зангиота тумани.**

# ТАКА БЎЛСИН, СУТ БЕРСИН...

Ишга шошиб кетаётганимда, рўпарамдан юқори синфда ўқийдиган қизларнинг икки-уч нафари чиқиб қолди. Уларнинг бири одоб билан салом бериб, йўл четига ўтди. Сал орқароқда келаётган эса ўзлари билан ўзлари овора, бир-бирига гал бермай тортишишарди.

- Боя дарсда ўтириб, мени қанча бола яхши кўришини санаб чиқдим, - дерди бигиз пошнали этикда зўрға қадам ташлаб бораётган қиз.

- Бир ойнинг ўзида еттита болани "ўраб"ман...

- Ие, атиги еттитами?

- энсаси қотгандек, жажжигина сумкачасини билагига осган қиз лабини бурди. - Бу гал жа-а омади чопган мен бўлибман. Ўнта боладан хат олдим, иккитаси билан ресторанга кирдим!

- Ў-ў, - баравар қичқиришди ёнидагилар.

- Қайси бири билан кирдинг ресторанга?

- Кеча иномарка машинада келганди-ку, ўша билан...

- Вой, у катта киши-ку...

- Нима қипти, така бўлсин сут берсин-да!

"Тавба, шулар мактаб ўқувчисининг гапими? Буларнинг онаси шу гаплардан воқиф бўлсами?"- деб ўйладим.

5-синфга раҳбарман. Синфимизда 18 та қиз бор. Синф остонасини ҳатлаб ўтмасимдан синфимдаги бир ўғил: "Устоз, мана бу хатни бизни қизлар ёзишибди, қаранг", дея иккита қоғоз тутқазди.

Адолат билан Нилуфар исмли қизларнинг икки синф юқорида ўқийдиган болаларга ёзган дил изҳори экан. Қизларни хонамга чақириб, койидим. Уларга ўқитувчи туйғуларга берилмасликни, ўқувчи ўқиши лозимлигини уқтирдим. Улар узр сўраб, чиқиб кетишди.

**Қулоққа чалинган гап**

Дарс тугади. Мен ўз хонамдаги дафтарларни тартибга келтираётгандим.

- Адол, боя Бахтини кўрдим. Хатингни олибди, - ташқаридан ўқувчим Нилуфарнинг гапи эшитилди.

- Ҳа, эртага келарканми? Сардоринг нима деди? - энди Адолатнинг овози эшитилди. - Янаги ҳафтада шанбалик бўларкан. Келсак, уйга қайтишда кафега олиб кираркан.

- Хой, қизлар, устоз эшитиб қолсаларми, - деди синфдошларидан бири.

- Нима қилибди? Яхши кўриш айбми?

Беш соат илгари икки қизнинг: "Узр, устоз бошқа қайтарилмайди", деб ваъда бергани, ишга келаётганимда йўлда учратган қизларнинг "така бўлсин, сут берсин", деган гаплари қулоғим тагида жаранглагандек бўлди-ю, стулга ўтириб қолдим.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# КЎНГИЛ ХИЖИЛ БЎЛДИ...

Яқинда вилоят марказига бормоқчи бўлиб, автобусга чиқдим. Автобус энди ўрнидан қўзғалай деганда, саксон ёшлардаги бир отахон чиқди. Автобус тирбанд, бўш ўрин йўқ. Қани энди отахонни ўтқазишга жой топилса? Ёнгинамиздаги ўриндиқда 25 ёшлар чамаси икки йигит одамларга "сотка"сини кўз-кўз қилгандай кимлар биландир гаплашиб, гоҳо қаҳқаҳ уриб, гоҳо латифа айтиб ўтиришарди. Тик турган кексаларга эътибор ҳам қилишмасди. Мен-ку майли, лекин отахонга раҳмим келди. "Отахонга жой берсаларинг бўлмайдими?" - деб илтимос қилдим уларга. Шунда ҳалиги йигитлардан бири: "Бизни отамиз ҳали ёш, сизлар боболаримиздан ҳам каттасизлар-ку", - дея ҳиринглашди. "Сизларни биров чақириб келдими? Қари бўлсангиз, уйда ўтиринглар-да", - дея ғўлдираб автобуснинг орқа томонига ўтиб кетишди. Отахон ўриндиққа ўтираркан: "Дард ёмони - қариликдир ёронлар", деб тўғри айтган экан Маҳтумқули, - деди. - Уйим бекатдан узоқ эмас. Шундай бўлса ҳам етиб келгунча дарров чарчадим-да".

**Икир-чикир. Лекин...**

Автобусимиз бозор олдига келиб, шоҳ бекатда тўхтади. Автобусдан тушар эканмиз, ёқимли, хуш таом кабоб ҳиди димоғимизга урилиб, иштаҳамизни очиб юборди.

- Чойхонага кириб, бир пиёладан кўк чой ичиб кетсак нима дейсиз? - деб отахонга қарадим.

У рози бўлди. Иккимиз чойхонага яқинлашарканмиз, барзангидай бир йигит пешвоз чиқди:

- Хуш келибсизлар отахонлар! Қани марҳамат! - деди.

У бизни ичкарига, бир кичкроқ хонага олиб кирди. Чиройли кўрпачалар тўшалган сўрига ўтирдик. Бизга тинмай мулозамат қилаётган йигитдан хурсанд эдик. Унинг таклифи билан икки чойнак кўк чой, 3 тадан кабоб буюрдик. Суҳбатлаша-суҳбатлаша таомни тановвул қилдик. "Ҳисоблашайлик", деб ҳалиги йигитни чақирдик. У келиб пулни ҳисоблади.

- 12500 сўм бўлибди. Хизмат ҳақи ҳам шунинг ичида, - деди.

- Олтита кабоб буюргандик. Унинг ҳам иккитасини бемазалигидан еёлмадик-ку, - дедим.

- Мен билмайман, олдингизга шунча нарса келтириб қўйдим. Агар тўламасангизлар охири яхши бўлмайди, - деди йигитча безрайиб.

"Кел, шулар билан пачакилашиб ўтирмай", десам, ёнимда мунча пул йўқ эди. Хижолатдан нима қилишимни билмасдим. Отахонни чойхонага таклиф қилганимга минг пушаймон бўлдим. Аҳволимни сезган отахон: "Дўстим, ҳеч хижолат бўлманг, менда пул бор, ўзим бераман", - деб қолди.

Ҳар иккимиз ҳам ўз йўлимизга равона бўларканмиз, бугунги ёшларимизнинг аввалига автобусда сўнг чойхонада биз - қарияларга кўрсатган муомала-муносабатидан қаттиқ ранжидим.

Кўнгил ёзилиши ўрнига, дилимиз хижил тортганидан ранжидим.

**Қадамбой ИБРАГИМОВ,**
**Хоразм вилояти,**
**Янгиариқ тумани,**
**Остона қишлоғи.**

Акс-садо

# ПОК НИЯТЛИ ЭРКАКЛАР ҲАМ БОР!

Ушбу дил изҳорини ўқиб, анчагина ўйланиб қолдим. Амалга, бойликка эга бўлган баъзи бир отахонларимиз тўқликка шўхлик қилиб, ўз сингиллари, қизлари қаторидаги қизларга кўз олайтириб, унинг қандайдир бир оғир аҳволга тушиб қолганидан фойдаланиб, қанчалар тубанликка боришса... Улар динимиз, урф-одатларимизга хилоф тарзда иш тутишларини тушунармиканлар? Эрматнинг ҳам қизи, синглиси бордир, ахир? Бу дунёда ҳаммамиз меҳмонмиз. Шу муносабат билан мен ана шундай яхши ниятли кишилардан бири маҳалламизнинг оқсоқоли Рихсивой Жўраев ҳақида ёзгим келди.

Бизнинг маҳалламиз аҳлига 16-поликлиника филиали хизмат кўрсатади. Бу ерда лаборатория йўқлиги учун касаллар 16-поликлиникага бориши керак. Қишнинг совуғида, ёзнинг иссиғида транспортга тушиб қатнаш касаллар учун жуда оғирлик қиларди. Маҳаллага Жўраев оқсоқол бўлгач, у маҳалламизда янги, икки қаватли поликлиника биносини қурдириш ҳаракатини бошлади. Маҳалламиз фаоллари ёрдамида бино қурилди. Оқсоқолни чин кўнглимиздан ҳурмат қиламиз. Ҳа-да, яхши ном қолдириш қандай яхши!

Ичкиликвозлик, фаҳш инсонга ҳеч қачон шуҳрат келтирмайди. Фарзандлари олдида ҳар бир ота ўрнак бўлиши керак.

Маҳалламизда 3 та ҳарбий қисм бор. Ҳар байрамда маҳалладошларимиз уруш қатнашчиларини чақириб, ҳарбий хизматга олинганлар билан суҳбатлар ўтказишади. Инсонга инсон дўст эканлиги ҳақида гапиришади. Чолим вафот этганида маҳалламиздаги ҳарбий қисм бошлиқлари келиб, мен қарияга таъзия билдириб кетишди. Подполковник Султонбек Хусанов чолимнинг маъракаларини ўтказишда моддий ёрдам берди. Ана шундай пок дилли эркакларимиз сафи кенгайсин, дейман. Эрмат каби ўз синфдошининг синглисига кўз олайтирган, ароққа мук тушганлар маҳалламизда йўқлигидан мамнунман. Илло, қора ниятли кишиларнинг юзи доим қародир.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи**

**“Синглингиз, қизингиз-декмиз-ку” - 52-сон**

**ЭСЛАТМА: Акамнинг ўртоғи бўлгани учун Эрмат аканинг: «Ишга киритиб қўяман»,-деган гапига ишониб у айтган жойга бордим. Аммо унинг маст ҳолатда менга қилган муомаласидан англадим-ки, нияти бузуқ экан.**

**Муаллиф: Кўккўрғоний.**



Бу гал “Оила ва жамият” газетасининг “Оила” рукнида ёритилган айрим мақолалар хусусида ҳаяжон ва ифтихор билан сўз юритмоқчиман. Ҳа, аёл булутли кунда ҳам оилада офтобни чарақлатиб юборгувчи сеҳрли зот. Аёл оддий бир йигитга турмушга чиқиб ҳам меҳри, муомаласи, парвариши, чаққонлиги билан оиласини подшоҳ саройига, эрини подшоҳ даражасига етказишга қодир. Аёл келажак учун донишманд авлодларни вояга етказиши мумкин бўлган мўътабар мураббий ва ҳоказо...

Газетанинг ўтган йилги 45-сонида ёритилган “Қалблар туғаверсин жасоратларни” номли мақолани ўқир эканман, аёл ҳақида ана шу гапларни айтиб-айтиб оламга жар солгим келди.

Мен журналист Шарбат Мухторовани яхши биламан. У гоҳ-гоҳ ўз мақолалари, шеърларини олиб бизнинг “Саодат” журналига узоқ Нурота туманидан келиб турарди. Бироз суҳбатлашгач, ёзганларини қолдириб, дайди, унга малҳам бўлади, овутади, кўнглини кўтаради. У ҳар куни: “Эй, Оллоҳим, болаларимнинг отасига ўзинг шифо бер. Ахир бир кун юриб кетишларига ишончим комил”, деб яратганга ёлборган.

Эҳ, аёл, аёл! Мен сизнинг ҳузурингизга учиб бориб, меҳрли кўзларингиздан ўпгим келди. Ҳа, сизнинг 25 йиллик сабр, бардош, умид ва ишончингиз эвазига мўъжиза рўй берди. Юсуфжон ака шифо топди. У киши ҳам рафиқасига ҳар куни: “Сен менинг ойимсан, қуёшимсан, бахту иқболимсан. Сени менга берган Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсин!”, дегани, дардга чидагани учун ҳам яратганнинг ўзи ундан марҳаматини дариғ тутмади.

“Сабрнинг таги олтин!”-деганлари шу. Ҳа, Турсуной опадек қалби дарё, юраги тоза, иродаси мустаҳкам аёлларга тасанно, ўзингиз ўйланг, соғ эрига хиёнат қилаётган енгилтак аёллар ҳам бор. Уларнинг қилмиши Оллоҳ ҳукмига ҳавола. Минг бор шукрлар айтаман-ки, барибир яхши аёллар кўп. Биргина мисол айтай. Қўқон шаҳрида яшовчи қудаларим Озода опа ва Умар ака Усмоновларнинг келини бўлмиш Дилфузахоннинг оиласида файзу барака, меҳр-оқибат, хотиржамлик устивор. Эрини эр қилган ҳам шу аёл. Мана, 20 йилдир-ки, Дилуфзахон билан Илҳомжон қишнинг совуғи-ю ёз чилласида ҳам ёнма-ён туриб, тижорат ишлари билан шуғулланадилар. Тўрт фарзандни тарбиялаб, катта қилишяпти. Бош фарзандлари чевар қиз Маҳфузахонни тўй-томошалар билан турмушга бериб, набира кўришди. Энди келинлар туширишади, невара тўйлар қилишади насиб этса...

Ҳай, 20-30 йил яшаб, ишлаб ҳам рўзғорини бут қилолмаган, нолишдан бўшамайдиган, қўли бебарака аёллар ҳам йўқ эмас. Дилфузахон эса қайнона-қайнотасининг дуосини олган, улардан хабар олишни канда қилмайдиган аёл. Қайнсингиллари-ю қайнэгачиларининг бошини қовуштириб, уларга меҳр-оқибат кўрсатаётган аёл. Қиш-қировли кунларда ҳам атай Қўқондан Тошкентга Илҳомжон икковлари келиб, сингиллари Нодирахондан хабар олишади.

Мен Дилфузахоннинг ота-оналари Рахмат ака-ю Мақсудахон опага шундай доно, билимли қизни тарбиялаганлари учун чин дилдан раҳматлар айтгим келади.

Оила деб аталмиш муқаддас кошонани улуғлаган, унинг шаънига доғ туширмаган ҳар бир аёлга яратганнинг эзгуликлари насиб этсин. Ўзлари мунаввар этган, оилалари қўша қариб, соғ-саломат яшаб юришсин.

# ОИЛАНИ МУНАВВАР ЭТГАН АЁЛЛАР

яна изига қайтарди. Қаранг-ки, самимий, камтарин, хушрўй бу аёлнинг бирон марта бўлсин ҳаётдан, тақдиридан нолиганини, ҳасрат дафтарини варақлаганини кўрган, эшитган эмасдим. “Оила ва жамият”даги мақолани ўқигач эса Шарбатхон ўттиз ёшида, нақ гуллаган ёшлик палласида турмуш ўртоғи, ажойиб инсон, ижодкор Раҳмон Чинмирзаев вафот этиб, у ёлғиз қолганини ва бир умр ҳам ота, ҳам она бўлиб, беш фарзандни тарбиялаб, ўқитиб элга қўшганини билдим. Шоира, журналист сифатида кўп йиллар туман газетасига мухбирлик қилган, туман хотин-қизларининг етакчиси бўлган Шарбатхон қатъийликни, иродани, садоқатни, сабрни ўзига шиор қилиб яшаяпти. Барака топсин. Ҳозир туман телевидениясини, босмахонани бошқариш билан бирга фарзандларга, набираларга муносиб она, буви бўлолган. У ўзининг, Раҳмон Чинмирзаевнинг китобларини нашр эттириб, ҳар соҳада олдинга, фақат олдинга интилиб яшаётганини ҳис этдим. Ҳа, севимли газетамиз “Оила ва жамият” бундай қадамларида оқ атиргуллар очилган, оиласини кўз қорачиғидек асраган, авайлаган аёллар ҳақидаги ҳикояларни янада кўпроқ давом эттираверсалар нур устига фақат аъло нур бўларди...

Газетанинг 49-сонидаги “Оила” рукнида берилган “Қайта туғилган инсон” номли мақолани ҳам ҳаяжон билан ўқидим. Оила соҳибаси, оила маъбудаси Турсуной опа ўзининг ширин сўзи, меҳр тўла кўзлари, умид ва ишончга бой қалби ва айниқса, тоғдек сабр-тоқати билан тўшакка ётиб қолган умр йўлдошини ҳаётга қайтара олибди. Қандини урсин, бу аёл!

Бундан 25 йил олдин... Болалари ҳали ёш, ўзи давлат хизматини, уй юмушларини бажарарди. Жондан азиз ёстиқдошининг маъюс боқишларига чи-

**Санъат МАҲМУДОВА**

**“Ота-онани тўрга ўтқазинг”,-47-сон.**

**ЭСЛАТМА: Ота-онасини тириклигида рози қила олган фарзанд одамларнинг энг яхшисидир. Ундайлар албатта тинч, осуда яшаб, ҳалол ошларини дўстлари билан баҳам кўрадилар. Нобакор фарзанд эса қариганда хорлик ва зорликда яшайди. Буни ҳаётда кўриб келаяпмиз.**

**Муаллиф: Муборак Саидова.**

Вилоят асаб касалликлари бўлимида даволаниб қайтдим. Уйимизга ёру-биродарлар мени кўргани келишади. Турли мавзуларда суҳбатлашамиз. Шу суҳбатлардан бирида “Оила ва жамият” газетасида босилган “Ота-онани тўрга ўтқазинг”, сарлавҳали мақоланинг қисқача мазмунини сўзлаб бердим. Бу суҳбат даврадагиларга жуда таъсир қилди. Улардан бири қуйидаги воқеани гапириб берди:

# “БОЛАНГДАН ТОП, БОЛАМ”

- 8-10 ёшларда эдик. Қўшнимизнинг ёлғиз қизи бўларди. Отаси вафот этган, қари онаси билан яшарди. У турмушга чиққач, онаси ёлғиз қолди. Кампирнинг аҳволидан ота-онам хабар олишарди. Чой-нон, кечқурунлари бир косагина овқат элтиб берардик. Қизи 15-20 кунда бир келиб-кетарди. Кампирнинг аҳволи кундан-кун оғирлашиб борарди. Қизи келганида, ота-онам бир неча марта унга насиҳат қилишди. Бу гаплар унга таъсир этмади. Охири улар кампирни кичик бир уйимизга кўчириб келтиришди. Биз болалар у кишини “бувижон” дея атардик. Улар эса бизни тинмай дуо қилардилар. Қизларини эса: “Болангдан топ, болангдан”, деб қарғардилар.

Бир куни бувижонимга нон-чой элтдим. Иссиққина нонни майдаладилар ва бир бўлагини менга узатдилар:

- Ма, болагинам, бу иссиққина нондан егин. Сен ҳам нондай азиз бўл, болам. Бу ерга ўтир, мен сенга эртак айтаман, эшит. Мен анаву опангни отасиз ўстирдим. Кўзимнинг оқу қораси шу қизим эди. Донгдор теримчи эдим. Ҳар куни 130-150кг. пахта терардим. Ўрни келса ғўзаларга сув берардим. Мана энди мункайиб қолдим. Опангни бахтини кўрай, болаларини бағримга босай, уларнинг ҳузур-ҳаловатини кўрай, деб орзу-ният қилгандим. Аммо опанг турмушга чиқди-ю, ўзгарди-қолди. Наҳотки эр оқ сут берган онадан ҳам азиз бўлса. 15 кунда бир келади. Уйимни супуради-ю, кўйлак-лозимларимни чала-чулпа ювиб, кетади-қолади. Мен билан бир дурустроқ суҳбатлашмайдиям. “Болаларимни ёлғиз ташлаб келган эдим”, - деб уйига равона бўлади. Бола ширин эканми? Сен вақтида менга азиз эдинг. Сени деб бутун умримни ўтказдим-ку, деб айтай дейману, яна айтолмайман. Меҳрсиз ўсди, бу қизим. Хай майли, болаларидан топсин...

Орадан йиллар ўтди. Бувижонимиз қазо қилдилар. Отажоним-онажоним бир бўлиб, бувимни маъракаларини ўтқаздик. Бола-чақали бўлдик. Аввал отагинам вафот этдилар, сўнгра онагинам... (Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!) Мана ҳозирги кунда набирали бўлдик. Энди ўша бувижонимизнинг гапларини ҳали-ҳали эслайман. У кишининг қизлари ҳали ҳаёт. Фарзандлари, набиралари бор. Аммо ўша опамизнинг кўзлари ожиз бўлиб қолган. Набиралари қўлларидан ушлаб, ташқарига олиб чиқади. Фарзандлар онасидан ондасонда хабар олишади.

Яқинда уларникига бордим. Аҳволи хароб. Фарзандлар онадан безор бўлиб: “Қачон бу мункиллаган кампир ўлади-ю, биз қутуламиз”,-дейишади. Уларга насиҳат қилдим. Шунда бувимизнинг “болангдан топ”, деганини эсладим. Мана - онани норози қилганнинг кўргулиги. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганлари шу бўлса керак-да.

Қадрли газетхон! Ота-онангизни ҳаётлигида асраб-авайланг. Улар сизга вақтинча меҳмон эканини унутманг. Болаларингизни ҳам бобо-бувисига меҳрли қилиб тарбияланг. Токи улар улғайгач, сизга меҳрли бўлади.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Қарши ака НАЗАРОВ! 55 ёшингиз муборак бўлсин. Умрингиз узоқ, бахтингиз бардавом бўлсин.

Турмуш ўртоғингиз Қурбоной.
Қамаши тумани.

Фарҳод ака ОДИРОВ! 20 ёшга тўлишингиз билан табриклайман. Доимо соғ-омон бўлиб, ота-онамизга суянчиқ бўлишингизни тилайман.

Укангиз Бекзод.
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.





Маъфират КОУНБОЕВА! 70 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз! Фарзандларингиз атрофингизда юлдуздек порлаб туришсин!

Юнусобод тумани, "Чоштепа" маҳалласи фаоллари.

Синглим ЛАЙЛОХОН! Туғилган кунингиз билан табриклайман. Аёллик нафосати сизни асло тарк этмасин. Хонадонингиз сиз туфайли бахтиёр онларга тўлиқ бўлсин.

Опангиз София.



Азиз аммажоним МАҲБУБА ва поччам РАВШАНБЕК! Таваллуд айёмингиз билан муборакбод этаман. Сизларга бахти бутунлик, тани-сиҳатлик тилайман.

Жаҳонгир Иноғомов.

Азиз опажонимиз ТОШБУВИ! Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга соғ-омон ва умрингиз узоқ бўлсин.

Фарзандларингиз номидан Феруза.



Волидамиз Гулшан АБДУРАИМ қизи! 50 ёшингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Қизларингиз Ойтула, Шарофат ва келинингиз Дилбар.

Қизимиз ГУЛЧЕҲРАОЙ! Сени 18 ёшинг билан табриклаймиз! Умринг узоқ ва мазмунли, соғ-бўлсин!

Онажонинг, опа-сингилларинг.
Юнусобод тумани.



Ҳурматли МУҲАББАТ ва УЛУҒБЕК! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Ҳамиша бахтли бўлинглар.

Яқинларингиз.

# ҲАМИША ЭЪЗОЗДА БЎЛИНГ!

*Яхшилардан сўз очдик*




Халқимиз орасида ўтган етти пуштини биладиган, аждодлар хотирасини ёдда сақлаб, улар билан фахрланадиган ажойиб инсонлар бор. Ана шундай ҳикматли, хосиятли инсонлардан бири оққўрғонлик Ҳикмат ота Исроиловдир.

Ҳикмат ота Исроилов 40 йиллик умрини ўқитувчиликка бағишлаган бўлса, шундан 30 йилини мактабда раҳбарлик билан ўтказди. У рафиқаси, муаллима Марямхон опа билан уч ўғил ва бир қизни вояга етказишди. Нафақага чиққач фарзандлари эъзозида дам олса бўларди. Ҳикмат ота эса ўзи кўп йиллардан буён ўйлаб юргани иши - аждодлари шажарасини аниқлашга, ёзишга киришди. Изланиб, суриштириб етти пуштини аниқлади. "Исроиловлар шажараси", "Исроиловлар сулоласи", "Ўзим ҳақимда" ва туғилиб ўсган маҳалласи ҳақида "Бойғулликлар шажараси" каби китобларини ёзди. "Оила ва жамият" газетасида 1998 йилда эълон қилинган "Шажара" танловида ғолиб бўлди. Ўсган маҳалласи ҳақида "Бойғулликлар шажараси" рисоласини ёзди.

Бугунги кунда ҳам китоблар ёзаётган Ҳикмат ота Исроилов табаррук ёшни қаршиламоқда. Таваллуд айёмлари билан қутларканмиз у кишига узоқ умр ва соғлик тилаймиз! Шундай инсонлар бор бўлсин, ҳамиша эъзозда бўлсин!

**Бир гуруҳ шогирдлари,**
**Тошкент вилояти,**
**Оққўрғон тумани,**
**Бойғул маҳалласи.**

Туш таъбирномаси

# УЙ ҚУРОЛМАБДИ...

Қидираётган манзилимни сўраш учун кўп қаватли уй олдидаги узун ёғоч ўриндиқда маъюс ўтирган кишининг ёнида тўхтадим. У сўровимга жавоб бермасдан, ёнидан ўтиришимга жой кўрсатиб, таклиф этди. Индамай ёнига ўтирдим. Қисқагина ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Мана шу уйнинг учинчи қаватида яшайман, - деди қария рўпарадаги тўрт қаватли уйга ишора қилиб. - Одам кексайгандан кейин кўп қаватли уйда яшаши қийин бўларкан. Пастга тушиб-чиқиш ўлимдан оғир туюлади. Лифти йўқ. Лифти бўлгандаям барибир, ички шароитиям қариликка тўғри келмай қоларкан. Кўп қаватли уй ёшликка мос бўларкан-да. Ўзим асли қишлоқда туғилиб, ўсганман. Қишлоғим бу ердан қирқ беш километр узоқликда жойлашган. Бу шаҳарга хизмат юзасидан келиб, яшаб қолганман. Келганимгаям қирқ олти йил бўлди. Пастга тушиб, чиқишдан безиллаб, кўпинча ичкарида қамалиб ўтираман, сиқилиб кетаман. "Мен шунчалик қийналяпман, бир куни ўлсам, "учинчи қаватга тобут кўтариб чиқ, кўтариб туш" қиладиганларнинг ҳоли не кечади?"-деган хаёлда ўтган йил баҳорда қишлоғимга бордим. Қариндошлар билан маслаҳатлашиб, қишлоқдан битта уй қурмоқчи бўлдим. "Насиб этган бўлса, кўчиб келаман, келолмай қолсам, ўлигимни тўғри олиб келиб, шу уйдан чиқарасанлар, қабристонга яқин, сенларга осон бўлади", дедим қариндошларга. Улар қишлоқнинг чеккароғидаги бўш ердан жой танлашди. Бу жойнинг қадимда ҳам қишлоқнинг ўрни бўлганини билардим. Айрим уйларнинг тўмпайган ўрни, ертўлаларнинг шакли ҳалиям сақланиб турарди. Начора, бошқа бўш ернинг ўзиям қолмаган экан, қишлоқда. Тўрт томонига қозиқ қоқиб, ип тортиб, ҳовлининг умумий ташқи девори ўрнини белгиладик. Пахсачи уста билан ишловчилар топиб, эртадан лой ишларини бошлайдиган бўлдик. Шундан сўнг қайтдик.

Кечаси укамнинг уйида ётгандим. Отам тушимга кирибди. Қаранг-а, қачонлардир қазо қилиб кетган отам тушимга кирибди-я. Юзма-юз туриб, аниқ-тиниқ гаплашдик.

- У жойдан уй қурма,-деди отам жиддий қиёфада туриб гапириб. - Балчиқ чиқадиган ердан уй қуриб нима қиласан?! Айниқса, тўрт томони жуда хавфли...

Отамнинг гапи шу ерга етганда бехосдан уйғониб кетдим. Уйғониб кетганимдан қаттиқ афсусландим. Тушим давом этганида қани нима бўларди, отам яна нималар дерди? Бу тушдан ҳайратим ортди. "Нега уй қуришга киришган заҳотим отамнинг арвоҳи бундай безовта бўлиб қолдийкан?.." деб ўйловда қолдим. Эрталаб туриб, укамнинг хотинига айтиб, уч дона ис пиширтирдим, отамнинг арвоҳига бағишлаб оят ўқидим. Барибир, кўнглимнинг ҳижиллиги ёзилмади.

- Сиз ернинг бошига бориб, қурадиган уйингизнинг режасини тузиб тураверинг, - деди укам. - Мен ишловчиларни йиғиб, олиб бораман.

Оёғим тортмайроқ жўнадим. Уй қуришга энди ҳозирча ҳечам кўнглим чопмаётганди, ўйловда қолгандим. Тушим хаёлимдан кўтарилмаётганди. Ўзимга ўзим гапириб, ўзим билан ўзим баҳслашардим.

- Отам, балчиқ чиқади, дедими? Чўлда балчиқ нима қилади? Э, тушга нималар кирмайди. Ишни бошлатганим маъқул.

Шу хаёллар билан ип тортилган майдоннинг отам хавфли, деган томонига қараб юрдим. Тўнкарилган катта қозон шаклидаги тўмпининг устига чиқиб, чўнқайиб ўтирганимни биламан, оёқларим остидан чақалоқнинг чинқириб йиғлаган овози эшитилса бўладими? Худди мен қорнидан босиб олгандек йиғлади-да, ўзиям. Учиб пастга тушдим. Сўнг яна секин бориб, чўнқайган жойимга қарадим. Чақалоқ қаёкда, ҳеч вақо йўқ. Шу жойга яна қайтиб чиқдим. Яна чақалоқ чинқириб юборди. Қимирламай тураверdim. Чақалоқ ҳам тўхтовсиз чинқириб йиғлайверди. Пастга тушдим. Йиғи ҳам тинди. Ишловчиларни бошлаб келган укамга қурилишни ҳозирча бошламаслик фикримни айтиб, шаҳарга жўнадим. Йўлда икки оёғимда баравар оғриқ пайдо бўлди. Айниқса, икки тиззамнинг баландидан бир қарича жойи чумоли ўрмалагандек шундаям чимиллардики, асти чидаб бўлмасди. Вужудимда ҳам хасталик сездим. Бўлавермагач, орадан бир кун ўтиб, фол очтирдим.

- Бехосдан гўдакнинг арвоҳини босиб олибсиз, - деб башорат қилди фолбин. - Атайинми, бехосданми, иккинчи бор яна қорнидан босибсиз. Тириклай кўмилган чақалоқнинг арвоҳи экан. Кўмилганига жуда кўп бўлган... Туш ҳам кўрибсиз-у, лекин аҳамият бермабсиз.

Фолбин ирим-сиримларини қилди. Яна устига ўқитдим ҳам. Анча азобланиб, сал эпақага келдим-у, лекин тиззаларимдан баланддаги чимирлаш буткул кетмади. Ҳалиям бир кун тўхтаб, икки-уч кун тўхтовсиз чимирлаб, асабимга тегиб туради. Гоҳида ҳеч нарсани сезмас даражада увишадиган ҳам бўлиб қолди. Қисқаси, шу воқеа сабаб уй қуролмадим, шу ҳолича қолиб кетди. Раҳматлик отам тушимда бежизга огоҳлантирмаган экан. Нимасини сўрайсизки, бу ер бағри сиру синоатларга тўла экан-да. Бу кароматлардан биз ҳам бенасиб қолмадик.

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта шахсий ишларингизни амалга ошириш учун қулай.Яхши маблағ ишлаш ва хизмат поғонасидан кўтарилишингиз эҳтимоли бор.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Чоршанбадан бошлаб ишларингиз юришади. Лекин дўстларингиз билан муаммо чиқиши мумкин. Дам олиш куни сафарга чиқасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ҳафта кўнгилли янгиликлар билан бошланади. Дам олиш куни ажойиб инсонлар билан танишасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ишда ва ҳаётингизда ўзгаришлар бўлади. Ҳафтанинг ўртасига бориб муҳим тадбирларда қатнашасиз. Шу ҳафтада қарз олмаганингиз маъқул.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Бажарган ишларингиздан кўнглингиз тўлса-да, севги борасида омадингиз чопмайди. Ҳафта охирида ажойиб иш таклиф этишади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Янги билимларни эгаллашингизга тўғри келади. Ҳужжатлар билан ишлашда яқинларингиз кўмагига суянинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Муҳим ишлар ва таклифларга бой ҳафта. Ҳамкорлар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Кўп меҳнат қилишингизга тўғри келса-да, ниҳоят ўз ютуқларингиздан мамнун бўласиз. Оилангизда вазмин бўлишга ҳаракат қилинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ишларингиз бироз юришмаса-да, шанба куни барча муаммоларни ҳал қилиб, енгил тин оласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).**- Сизни ҳамкасбларингиз тушунмасалар-да, қизишиб кетманг. Ўз фикрингизни хотиржамлик билан тушунтиринг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Лавозимингиз ошиши, кучингизга-куч қўшиб юборади. Оғир меҳнат ҳафтасини муваффақият билан ўтказасиз.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Ушбу ҳафтада сафарга чиқишингиз кутилмоқда. Дам олиш кунлари эса саёҳатга чиқиб, мароқли дам олишни унутманг.

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Ўзбек қабиласи | Волида | Вақт ўлчови | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Тахта кроват | Чуқур жой | Шекспир қироли | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Инкор | Усти (акси) | Тарих, физика |
| Сув ҳавзаси → | ↓ | ↓ | ↓ | Орол, Байкал, Балхаш → | ↓ | ↓ | ↓ | Сувости қояси → | ↓ | ↓ | ↓ |
| Она (татарча) → | | | | Ҳашарот → | | | | Буви, эна → | | | |
| Сочи йўқ → | | | | Саҳро, Осиё → | | | | Ислом, будда → | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Тана қисми | Хитой гимнастикаси | ... Гог | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Мен (шева) | Ҳужум хитоби | Хору ... | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Елкадаги аъзо | Кичик фарзанд | Қайғу, андуҳ |
| Суюқлик → | ↓ | ↓ | ↓ | Ях → | ↓ | ↓ | ↓ | Сув ҳолати → | ↓ | ↓ | ↓ |
| “Замонлар ...” (Фильм) → | | | | Оралаб (шакли) → | | | | Волга ирмоғи → | | | |
| Араб ҳарфи → | | | | Қуш эркаги → | | | | Мумли ёриткич → | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Барака | Ука | Эшик, деразанинг ёғоч қисми | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Парранда | ... Осборн (эстрада қўшиқчиси) | Чехия мотоцикли | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Тўппа-тўғри | ...-новвот (қовун) | Тоғдаги ўра |
| Довон → | ↓ | ↓ | ↓ | Кичик чўққи → | ↓ | ↓ | ↓ | Урал, Тяншан, Помир → | ↓ | ↓ | ↓ |
| “Фиат” модели → | | | | Ўзаро боғлиқлик → | | | | Шарм, ҳаё → | | | |
| Томли раста → | | | | Исломий мазҳаб → | | | | Иркит → | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Хитойча фамилия | Гоят, жуда | Муболаға | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Қанор, лингча | ... Турман (актриса) | Ёғ | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Рақс кечаси | Ахборот агентлиги | Тилла, кумуш |
| Биёбон, дашт → | ↓ | ↓ | ↓ | Тупроқ → | ↓ | ↓ | ↓ | Қўриқ ер → | ↓ | ↓ | ↓ |
| Одам ... → | | | | Сода русуми → | | | | Мотам → | | | |
| Фойда, самар → | | | | Мускул, мушак → | | | | Кўплик қўшимчаси → | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Йил фасли | Оқ-қора | Касаллик тури | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Ҳайвон аъзоси | 3-шахс олмоши | ... Ахежакова (актриса) | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Зулф, кокил | Илк аёл | Тирноқ бўёғи |
| Ёғин тури → | ↓ | ↓ | ↓ | Муз ёғиши → | ↓ | ↓ | ↓ | Тошқин → | ↓ | ↓ | ↓ |
| Билан (шакли) → | | | | Ташхис асбоби → | | | | “Ҳа” (шевада) → | | | |
| ...-Шубҳасиз → | | | | Бош ичидаги аъзо → | | | | ... Норрис → | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Қил, жун | Катта қиз | Бильярд соққаси | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Викинглар маъбуди | Дарё | Қирра (синон.) | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Сув ҳайвони | Шал..., Ҳав... | Чаён найзаси |
| Тоғ жинси → | ↓ | ↓ | ↓ | Метан, пропан → | ↓ | ↓ | ↓ | Қазилма жой → | ↓ | ↓ | ↓ |
| Пардоз ашёси → | | | | Авом, саводсиз → | | | | Қозоғистондаги дарё → | | | |
| Қулоғи оғир → | | | | Арвоҳ → | | | | Ич (акси) → | | | |


# ЭЪЛОНЛАР

## АБДУРАҲМОН

**хусусий шифохонасида**

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.

**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.

**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.

**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги “тиқилиш ҳисси”, сабаби аниқланмаган йўтал.

**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.

**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.

**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: “Чилонзор” метроси бекатидан “Собир Раҳимов” метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман.
**Тел: 170-18-86**

Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган “ROSTAR-VON” МЧЖ ўз фаолиятини тўхтатади. Даъволар 15 кун муддатда қабул қилинади.
**Тел: 134-53-30**

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 4-қайрилиш, Ҳайратий кўча, 13-уйга (аввалги Октябр райони) даги БТИдан 1970 йилда Усмонова Хатира номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**“ЛОРА-ЛЮКС”** тўй кўйлаклари салонининг эшиклари келинпошшалар учун доимо очиқ!
**МАНЗИЛ: метронинг “Халқлар дўстлиги” бекати, Олмазор даҳаси, 7-уй, 32 хонадон.**
**Телефон: 395-59-49.**
**Марҳамат қилинг!**


# ИТ ТИШЛАДИ

Туш таъбирномаси

Бундан бир йил олдин тушимда катта қора ит мени роса қувлади. Мен итдан қўрқиб қочиб кетаверар эканману, йўлимнинг адоғи кўринмас эмиш. Ҳалиги қора ит уйимга етай деганда, оёғимдан шартта тишлаб олди-ю, қочиб кетди. Вой-войлаганча қўрқиб, чўчиб уйғониб кетдим. Эрталаб туриб, тушимни сувга айтдиму, гадойга ҳам садақа бердим. Кўнглим анча вақтгача ғашланиб юрди. Ўша тушим ёдимдан ҳам кўтарилай деганди, аммо орадан бир ой ўтар-ўтмас, мазам қочиб 3 ойлик ҳомилам тушиб қолди. Шунда ҳалиги кўрган тушимни эсладиму, агар итдан қочиб қутулолганимда, болам нобуд бўлмасмиди, деган ўйга бордим.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка тумани.**

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

**Shamshiddin ESANBAYEV.**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi,**
**Ellikqal`a tumani, 22-maktab**



**VATAN**

*Hali bog'laringda chaman bo'laman,*
*Ufqqa bayroqdek tikaman ko'ksim.*
*Shunchaki yo'l emas, qo'rgon bo'laman,*
*Nastarin gullardan to'kilar ismim.*

*Hali ming ko'karib, ekaman yurak,*
*Mehringni tutasan o'zing da`fatan.*
*Hali sendan qarzim uzmog'im kerak,*
*Men sening bolangman, Onamsan Vatan!*

**BOLALIK**

*Buvijon ertak ayt, Barchin bo'loyin,*
*Tun alla aytmoqda bosmasin g'aflat.*
*Buvijon ertak ayt, nurga to'loyin,*
*To'maris bo'loyin ertaga albat.*

*Qonimda oqmoqda gullamoq fasli,*
*O'tmish yuzin artgan etaklaringga.*
*Tarix shodasidan so'zlab ber buvi,*
*Kelajak boq'liqdir ertakllaringga.*

**Durdona ABDUMAJID qizi,**
**Toshkent shahri, Jahon Iqtisodiyoti va diplomatiya unversiteti qoshidagi "Shayxontoxur" akademik litsey o`quvchisi.**



**San`atjon ERIMMETOV.**
**Xorazm viloyati, Gurlan tumani 2-maktabning 3 «B» sinf o'quvchisi**

**G'ulomjon DAVLETOV.**
**Xorazm viloyati, Pitnak shahri, 9-maktabning 6 «D» sinf o'quvchisi.**





**Muhammaddin SHAMURATOV.**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani 47-maktabning 5 sinf o'quvchisi.**





**Ibrohimjon SUNNATOV.**
**Toshkent shahar, Sobir Rahimov tumani, 16-maktabning 4 «V» sinf o'quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

## МАИШИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ НИМА?

Уй ишларини бажаришда ишлатиладиган техника воситалари маиший техника воситалари деб аталади. Тостер, кир ювиш машинаси, фен, музлаткич, миксер, винтелятор, гўшт қиймалагич кабилар шулар жумласидандир.

Масалан, идиш-товоқ ювадиган машина 1940 йилда ихтиро қилинган ва уй бекаларининг оғирини енгил қиладиган машиналардан бири бўлиб қолди. Унга ишлатилган идиш-товоқлар, қошиқ ва санчқилар солинади. Идишлар кучли босим остидаги иссиқ сув ёрдамида ювилади.

## КИР ЮВИШ МАШИНАСИ НИМА?

Кир ювиш машинасидан кийимларни механик йўл билан ювишда фойдаланилади. Кир ювиш машинасининг ичида электр энергияси ёрдамида ҳаракатга



келтириладиган механизм мавжуд. У ичига кир кийимлар солинган цилиндр шаклидаги идишни - барабанни айлантиради. Машинадаги махсус идишга эса кир ювиш кукуни солинади. У барабанга тушаётган сувда эрийди.

Шундай қилиб, айланиб турадиган барабанга тушаётган кукун эритилган сувда кийимлар топ-тоза бўлиб ювилади.

## КИР ҚУРИТКИЧ НИМА?

Ювилган кийимларни қисқа муддатда қуритиб олишга хизмат қиладиган машина кир қуриткич деб аталади. Унга электр двигателли трубина ўрнатилган бўлиб, у ҳосил қиладиган иссиқ ҳаво оқими ёрдамида озгина фурсат ичида анча кийимни қуритиб олиш мумкин.

Кир қуриткичлар икки хил бўлади. Биринчи тури жавон шаклида бўлиб, унга ювилган кийимлар илиб қўйиб қуритилади. Иккинчисида эса кийимлар худди кир ювиш машинасидаги каби барабанда айланиш жараёнида қурийди.

Ёмғирли, қишнинг совуқ кунларида, кир қуритиш учун махсус жой бўлмаган кўп қаватли уйларда, қолаверса, офтобга ёйиб қуритиш мумкин бўлмаган кийимларни қуритиб олишда кир қуриткичлар қўл келади.

## МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧ НИМА?

Умуман, ичида юқори ҳарорат ҳосил қилиниши натижасида бирор нарса пишириш, иситиш, қайнатиш ёки қиздириш учун хизмат қиладиган жиҳоз печ (ўчоқ) деб аталади. Шунингдек, овқат пишириш ва уни иситишда ишлатиладиган маиший техника воситаси ҳам печ дейилади. Кўпчилигимиз газ ва электр печларини яхши биламиз.

Микротўлқинли печларнинг улардан фарқи шундаки, унинг ичига магнитрон деб номланган жиҳоз ўрнатилган. Магнитрондан тарқаладиган электромагнит тўлқинлари печнинг ичини овқат пишириш ёки иситишга етарли тарзда қиздиради. Бундай печларнинг афзаллик томонлари жуда кўп: уларда овқат тез пишади ва исийди, улар ташқи томонидан исиб кетмайди, жараённи маълум вақтга белгилаб қўйиш имконияти бор.




## СУВ КРАНЛАРИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Биз кундалик истеъмол учун кўл ва дарёлардан олиниб, махсус тозалаш иншоотларида ичиш учун яроқли ҳолга келтирилган сувдан фойдаланамиз. Сув уйларимизгача трубалар орқали етиб келади. Уйдаги сув кранини очиб кераклича сувни оламиз ва ишлатамиз, сўнг яна ёпиб қўямиз. Сув крани шундай қурилмаки, у трубадан оқиб келаётган сувнинг йўлини очиш ва ёпиш имкониятини беради. Краннинг ичида махсус болт бўлиб, жўмрак буралганда у юқорига кўтарилса, сув оқади, пастга тушиб сув йўлини ёпса тўхтайди. Краннинг барча қисмлари сувга тегиб туриши боис у зангламайдиган материаллардан ясалади.

## СУВ ТОЗАЛАШ ИНШООТЛАРИ НИМА?

Уйда ёки саноатда ишлатилган сувлар канализация тармоғига тушади. Бу сув жуда ифлосланган бўлади, шу боис уни шу ҳолича дарё ёки кўлларга оқизиб бўлмайди. Уни аввал яхшилаб тозалаш зарур. Бунинг учун канализация сувлари махсус тозалаш иншоотларидан ўтказилади.

Иншоотда ифлосланган сув уч босқичда тозаланади. Биринчи - механик босқичда сув чиқинди, кўпик каби ифлосликлардан тозаланади. Иккинчи - биологик босқичда сувни ифлослантирадиган моддаларни эритувчи махсус бактериялар қўшилади. Учинчи - кимёвий босқичда сувга таркибидаги фосфат ва бошқа зарарли моддалар миқдорини камайтиришга хизмат қиладиган кимёвий моддалар қўшилади.

## ЭШИК ҚУЛФИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



Эшик қулфи махсус калит ёрдамида эшикни ёпиш ёки очиш имкониятини берадиган қурилмадир. Қулфнинг ташқи томони цилиндр шаклида бўлади. Унинг ичида эса патрон ва штифт деб аталадиган механизмлар мавжуд. Улар шундай ясаладики, қулфга бошқа калит солинганда айланмайди ва қулфнинг тили ҳаракатга келмайди. Ўзининг калити ёрдамида эса патрон ва штифтлар айлантирилади. Ўз навбатида қулфнинг тили ичкарига тортилади ва бунда эшик очилади. Аксинча, тил ташқарига чиқса, эшик қулфланади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

Дил изҳори

# ЕТТИ КУНДАН КЕЙИН...

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Қайнонамнинг қачонлардир:

- Ёмон бўлса ҳам, чўрилик қилсам ҳам мен кўрдим, сен кўрма,- деган сўзлари қулоғим остида жаранглайверади. Бу қарғишмиди, дуоибадмиди билмадим. Кичкина қайнсинглим мени бирон марта ҳам кўришга келмади. Билмадим, мендан ҳалиям хафа бўлса керак. Ўшанда қайнсинглимга совчилар келиб, тўй бўлиш арафаси эди. Уйга «пол-паталоклик» материал оламан, деб чиқиб кетган эрим қуруқ қайтиб келди.

- Ҳа, нега олиб келмадингиз,- ҳайрон бўлдим мен.

- Олмадим.

- Нега, ахир мендан ҳам кўра ўзингиз тезроқ «ремонт» қилайлик, жўраларим келса уйимдан уяламан деяётгандингиз-ку?

- Онамнинг олдига ўтувдим. Замирага совчилар келибди. Беришмоқчи экан. Қудалар икки ҳафтада тўй қиламиз, деяётганмиш. Онам: - "Синглинг «стенка», деб жанжал қилаяпти. Сен катта акасисан, олиб берасанми?"-деб қолди.

- Нима,- жаҳлим чиқиб кетди.

- Нази, онамнинг айтгани тўғри-да, мен бош боласиман, камчилиги бўлса тўлдиришим керак.

- Уйингизнинг вайронаси чиқиб ётсин. Мен уйдан уялиб тўртта меҳмон айтолмай юрай. Битта ойимча эса бировнинг пулига «стенка» олиб, эрининг уйини тўлдирсин. Нима, «стенка» бўлмаса эр олмасмикан. Ҳа, майли диван десин, шифанер десин. Шуям хайф унга.

- Назира, ўзингни бос, бир ой олдин бўлмаса бир ой кейин уйни ремонт қилармиз, тўйни тинчгина ўтказиб олайлик. Сенга кузгача шу уйни ремонт қилиб берсам бўлдими?

- Бўлмайди, бир тийин ҳам бермайсиз. Бу пуллар фақат сизники эмас меникиям. Синглингизнинг мен ҳақидаги "туғмас", "қисир сигир", "касал" деганларини унутганим йўқ.

- Назира! Назира! Бўлди қил, сенинг шу қилиқларингдан тўйиб кетдим.

- Пулни беринг!- дедим у кишига тик қараб.

- Пул йўқ, онамга бердим.

- Нима..а..а!

Эрим менга бир қаради-да, гапиришнинг фойдаси йўқлигини билди шекилли, уйдан чиқиб кетди.

"Вой эрга тегмай қаро ерга теккур. Энди ака керак бўлиб қолдими. «Стенка»га етмай ўлиб қолгур. Ҳаммасига пул керак бўлса акасига ёпишади, худди бу бир ердан ўмариб келаётгандай. Агар шу ука-сингиллари бўлмаса, ҳозир, мен қасрда ўтирган бўлардим". - Ичим аламдан ёниб кетаётган эди. Орадан бир неча кун ўтди. Бир куни дарвозамиз тақиллаб қолди, чиқиб қарасам бир аёл турибди. Уни унчалик танимасам-да, қўшни маҳаллада яшашини билардим.

- Келинг,- дедим ҳайрон бўлиб.

- Хўжайинингиз уйда йўқми?- дея сўради аёл мен билан кўришиб бўлгач. - У киши бўлса ноқулайроқ, шу ерда гаплаша қолайлик.

- Хўжайиним ишда, киринг, - дея аёлни уйга киргаздим.

- Янга, хафа бўлмайсиз-да. Мен сиздан бир нарсани сўрашга келувдим. - У бир оз иккиланиб турди-да, муддаога ўтди.

- Шу десангиз менинг холамнинг биттаю-битта ўғли бор, шу десангиз қайнсинглингизни ёқтириб қопти. Совчи ҳам борган, эшитган бўлсангиз керак. Бечора холамнинг ишонгани шу битта-ю, битта ўғли. Холам совчиларни ўғлининг қистови билан жўнатишга жўнатди-ю, бировлардан у-бу гапларни эшитиб ўйланиб қолди. Янга илтимос, тўғрисини айтинг, - "Она мақтаган қизни олма, янга мақтаган қиздан қолма",- деган гап бор. Қайнсинглингизни ҳамма: "Уришқоқ, янгаси шунинг дастидан "дод" дейди, шунинг дастидан уйдан кўчиб чиқиб кетишган",- дейишди. Мен индамадим. Холамлар жуда бой-бадавлат, бутун топгани шу ўғлига - келинига қолади. Шунинг учун инсофли яхшироқ қиз бўлса девдик-да янга... Мен лол бўлиб қолдим.

- Янга, сиз қўрқманг, ҳеч ким билмайди. Одамларнинг гапи ростми, ё ёлғонми, "ҳа" ё "йўқ" десангиз бўлди... - Бир неча кундан буён «стенка»нинг алами юрагимдан кетмай турувди. Шунинг касрига эрим билан ҳам аразлашиб юрувдим. Демак, ўч олиш вақти келди...

- Ҳа, одамлар билмаса гапирмайди. - Шу бир оғиз сўзим икки инсоннинг битай деб турган турмушини бузиб юборди, тақдирини ҳал қилди, қўйди. Ўшанда шу гапим учун заррача қийналмадим. Тўй бузилганини билсам-да, эримга - уйдагиларга тик қараб гапирардим, гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Ўша воқеадан кейин анча вақт ўтди. Бир куни қайнсинглим ғазаб билан уйимизга кириб келди ва менга бақира кетди.

- Менга қара, сен тўйни буздим, деб кўпам хурсанд бўлаверма. Шу қилганинг учун бир ой ичида ундан ҳам яхшисига тегиб кетаман. Агар бир ой ичида эрга тегмасам, отимни бошқа қўяман. Менга қара, эшитиб қўй, агар тўйим ҳақида эшитиб қолсанг бориб юрма, сенга ўхшаган ифлослар бировнинг бахтини кўролмайди.

- Ҳе менга қара, тўйинг бошингдан қолгур,- менам сенсираб, кетдим. - Аламингни мендан оласанми, ёмон бўлгансанки, йигит айниган, менинг айбим нима?

- Айбингни билмайсанми, сени биров билан юзма-юз қилайми, ўша аёлни етаклаб келардиму одамлардан уялдим.

Мен индамай қолдим.

- Эшитиб қўй, тўйим бўлса қадамингни босма, мен учун ўлгансан, сен ўлсанг таъзиянгга ҳам келмасдим.

Қайнсинглим ўзи айтгандай бир ой ичида эмас, уч ой деганда турмушга чиқиб кетди. Ўзи кўрмаган, танимаган йигитга. Эшитишимча, эри кўп ичаркан. Уйи кунда жанжал, бечора кўп таёқ ер экан, аммо бир марта ҳам "уришиб келипти", деб эшитмадим. Балки, бечора одамларнинг гап-сўзидан қўрқиб, ҳаммасига чидаб яшаётгандир.



## ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Бугун еттинчи кун. Эрталаб жуда эрта уйғонибман. Туни билан қўрқиб ётгандим. Тонгда кўзимни очаманми, йўқми деб. Худога шукр, гарчи, бу тонг охирги тонгим эканлигини билсам-да, ўзимни жуда енгил ҳис қилаяпман. Тавба, оғриқларим ҳам йўқ, ўрнимдан тургим, ҳовлиларни айлангим, осмонга - қуёшнинг чиқишига қарагим келаяпти. Мана кеч ҳам кирди. Эрталаб хатимни давом эттиролмадим. Чунки, ўзимни бошқача, тетик ҳис этиб, эримнинг ёрдамисиз ҳовлига чиқдим. Юрганимни кўриб, қайнонам, болаларим айниқса, эрим жуда қувонди. Негадир уларга тўйиб-тўйиб қарагим келаверди. Мен яхшиман дея эримни ишга, болаларимни мактабга жўнатдим. Болаларини қучоқлагим, тўйиб-тўйиб ўпгим келди, аммо ундай қилмадим. Ҳаётимнинг сўнгги куни шу ҳаракатларим уларнинг хотирасида узоқ вақт қолишини истамадим. Қайнонамнинг оёғига бош ургим, эримдан, бошқалардан кечирим сўрагим келаяпти-ю, аммо, ундай қилишимга журъатим етмаяпти. Майли, улар мен ҳақимда ёмон фикрда қолаверсинлар. Мени уришқоқ, ўжар, қизғанчиқ эди, дея эсласинлар, шунда мени унутишлари осонроқ бўлади. Ёмонни унутиш, яхшини унутишдан кўра осонроқ. Эрталаб қайнонам иккаламиз қолгач:

- Эна, шўрва қилайлик, ичига хамир қийиб солайлик, ўзим қарашаман,-дедим кулиб. Кошки эди қарашсам:

- Вой қарашмасанг ҳам майли болам. Сен ёт, чарчаб қолма болам, ўзим-ўзим қиламан,- қайнонам бечора ошхонага кириб кетди. Тавба, дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, 70 дан ошаяптию бардам-тетик, менга ўхшаганларнинг ўнтасини ўтқазиб қўяди. Анча вақт ҳовли айландим, негадир ҳовлига тўйиб-тўйиб тикилгим келди. Кейин уйга кирдим, ҳамма хоналарга бир-бир кириб чиқдим. Қайнонам ора-чора келиб, менга қараб кетади. Сандиқчамни олиб, тақинчоқларимга тикилиб қолдим. Сендан илтимос, битта зирагимга оқ ип боғлаб қўйдим, уни мен ўғри деб ҳақоратлаган қайнсинглимга бер, зора у дунёда руҳим енгил бўлса. Зиракни ўзингнинг номингдан беравер. Гарчи дунёдан эрта кетаётган бўлсам-да, шукр қилишим керак. Бундан анча йиллар илгари бир синфдош дугонам дунёдан ўтди. У турмуш қурмаган эди. Ундан бирор из қолмади. Уни ота-онаси, опа-укалари эслаб туриши мумкин, аммо фарзандининг эслагани бошқа. Худога шукр, менинг иккита болам бор. Демак, номим ўчмайди, улар ҳаёт бўлса менам тирикдайман. Худога шукр қилсам бўлади. Гарчи уришқоқ, ўжар бўлсам-да, шунча камчиликларимга қарамай, эрим мени яхши кўрди. Дилдора исмли дугонам бўларди. Жуда чиройли, ақлли, ўқимишли, ҳаммамиз ҳавас қилар эдик. Бечора учта боласи билан эридан ажрашди. Эри пияниста, қўпол, жанжалкаш эди. Уни жуда кўп ураркан, камига бошқа аёл билан юриб кетипти. Шундай гўзал дугонам озиб, жуда хунук бўлиб кетган. Шуларни кўриб, шукр қиламан. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бир куни мода дедимми, ё бировларга ҳавас қилдимми салонга бориб, сочимни қирқтириб келдим. Ўзимча ёш, чиройли бўлиб кетгандай эдим. Кечқурун эрим ишдан келса оғзи очилиб қолсин, дея у кишига рўбару келдим. Эрим анча вақт менга тикилиб турди-да:

- Сени чиройли қилиб турган ягона нарса шу сочинг эди,-деди. - Сени жуда кўп уришмоқчи, ҳатто урмоқчиям бўлганман. Аммо шу узун сочларинг ҳамма вақт мени шаштимдан қайтарган... Ўшанда биринчи марта қилган ишимдан пушаймон бўлганман. Мана ҳозир сочим анча ўсиб қолди. Энди бу узун сочим у дунёда керак, эшитишимча нариги дунёда аёлларнинг сочи кўксини ёпиб туриши керак экан.

Тушликда қайнонам ичига хамир қийиб солинган шўрвани олдимга қўйди. Тавба, илгарилари эрим шу овқатни қил деса, жони-поним чиқиб кетар эди. Шу овқатни нимагадир ёқтирмас эдим. Эрим билан уришиб қолсам, унга тескари ош қилар эдим. У киши ошни ёқтирмас эди. У кишига яхши кўрингим, аразлашиб қолсак ярашгим келса, шу яхши кўрган овқатини қилардим. Эрим мендан қаттиқ ранжиган бўлса-да:

- Эсинг кириптими,- дея ҳаммасини унутарди ва биз ярашиб кетар эдик. "Эрнинг кўнглига ошқозон орқали йўл топилади", деганлари шу бўлса керак-да.

Қайнонам қилган овқатни ичаяпману, "бунча ширин бўлмаса", дейман ич-ичимда. Қизиқ, нега илгари сезмадим экан. Нега эримга кунда-кун ора шу овқатни қилиб бермадим? Нега-нега овқат қилишга ярамай қолганимда ақлим кириб турипти?

Тавба, дунёнинг ишлари қизиқ экан. Мен ўзим билан шунча йил яшаган эримга эмас, ё болаларимга эмас, ё бирон яқин қариндошимга эмас сенга хат ёзаяпман. Танимаган, кўрмаган бир одамимга. Синглим, билмадим чиройлимисан ё хунукмисан, уришқоқмисан ё ювошмисан, одобли, ақллимисан ё бошқача. Қанақа бўлишингдан қатъий назар сенга ҳавасим келаяпти. Балки, сен мендан кўра кўпроқ хатоларга йўл қўйгандирсан, барибир сенга ҳавасим келади. Чунки, сенда яшаш имконияти бор. Тавба, негадир оёқларим музлаб бораётгандай. Жон биринчи оёқни тарк этади, дегани ростмикин. Қўрқиб кетаяпман. Қўрқиб кетаяпману, аммо ичим ачияпти. Болаларимга ичим ачиётгани йўқ, чунки, онаси ўлган бир улар эмас. Йиғлаб-йиғлаб катта бўлишади. Эримга ҳам унчалик ачинганим йўқ, хотини ўлган бир у эмас, кўникиб кетади. Қариндошларим ҳам ўз оиласи, бола-чақаси билан овунади. Мен сенга ачинаяпман. Бировнинг оиласига, бегона болаларга кўникиш, осон бўлмайди.

Яна неча соатлардан кейин тонг отади, тонгни кўролмайман, аммо худога шукр қиламан. Оз яшасам-да, дунёни кўрганим учун... 60 йил яшаб, 60 йил дунёни, борлиқни кўрмай ўтган одамлар ҳақида эшитганман. Худога шукр, қулоқларим, "болам", "ойижон", "азизим", деган сўзларни эшитгани учун. 70 йил яшаб, 70 йил том гаранг бўлиб ўтганлар ҳақида эшитганман. Худога шукр, қўл-оёғим бус-бутун бўлди. Оз бўлса-да, хоҳлаган еримга бордим, хоҳлаган еримга келдим. Неча йиллаб ногиронлар аравачасида ўтириб қолганлар олдида Худога шукр қиламан.

Худога шукр, худога минг шукр!

Яна неча соатлардан кейин тонг отади, сенинг тонгинг синглим. Янги тонг, янги оиланг, янги кунинг қутлуғ бўлсин. Алвидо...

**Раъно АВАЗОВА, Жиззах вилояти.**

# ОНА—ОНА ЭКАН-ДА...

(Охири. Боши ўтган сонда)

"Эҳ, афсус,-деб дилидан ўтказди ая,-бу гапни кимга айта олардим? Ахир кейин ҳаммасини билдим-ку! Ойни этак билан ёпиб бўларканми? Бу қурғур устози билан қизи ўртасида ишқий саргузаштлар бўлиб, шунинг орқасидан ҳимоя ҳам қилган экан-да. Яна камига домласи қишлоқдан келган соддагина шогирдига ўзи бош бўлиб эрга ҳам берди".

"Қизиқ, - деб сўйлар эди ая. - Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ одамларни ҳеч ҳазм қилолмайман. Ахир тўй кечасида устози сўзга чиқиб: "Бу оддий оила эмас, олимлар, зиё тарқатувчилар оиласи бўлади", деб ёшларга битмас-туганмас бахт-саодат тилади.

Шунда Ҳанифахон ая келиннинг ёнида қисиниб-қимтиниб, хижолатдан қизариб ўтирган куёв болага қараб, раҳми келиб, ичида: "Эссиз йигит, бахтсиз йигит", деб йиғлаганди.

Лекин барибир яна она экан-да, қизини оқлаб: "Ахир ҳамма ҳам хато қилади-ку, майли, бахтли бўлсин", деб ўзини-ўзи юпатди.

Дарҳақиқат, ҳаётлари ёмон бўлмади. Эр-хотин институтда талабаларга сабоқ беришарди. Куёв шўрлик жуда мўминқобил йигит чиқди. Мукаррамхон ҳали у шаҳар, ҳали бу шаҳарга илмий анжуманларга кетар, эр жонивор эса иккита ёш бола билан уйда қолар, рўзғорни эплар, хотинини бошида кўтарарди.

Ая бир дам қизини кўз олдига келтириб: "Мана, олтмишни оралаб қолган бўлса ҳам, ҳали ўнта қизнинг ҳусни бор, қизларимнинг ичида ўзиям энг кўркамлиси-да, тўладан келган, юзида бир дона ажин йўқ, оппоқ, қош-кўзлари тимқора, раҳматли биринчи эрим, дадасининг нақд ўзи", деб хаёлидан ўтказди.

Ҳаёт ўзи бир ажойиб-да, кечагина "ойижон" деб юрган қизи олима бўлгач, ўзгарди-қолди. Уйга кам келадиган, келганда ҳам онасининг уст-бошларига қараб: "Нима бало, бунча исқирт бўлиб юрибсиз, халатингизни ранги ўчиб кетибди. Ҳозир ҳеч ким чит матодан уст-бош киймайди", деб бурнини жийирар, совуққина хайрлашиб кетарди.

Қизининг орқасидан ҳайрон бўлиб қолган она шўрлик хўрлиги келиб: "Ахир олдимда ҳали бирмас, иккимас, тўртта чиқарадиган қизим бўлса, қандай ясанай. Ахир бутун умидим сендан эди-ку!", деб ичидан бир нарса узилгандай ўтириб қолди. Энди ўйлаб қараса, ўша узилган нарса она-бола ўртасидаги муҳаббат ришталари экан. Нима қилсин, осмон узоқ, ер қаттиқ... Елиб-югуриб, қизларини ўстирди, ўқитди, куёвга узатди, невара тўйларига тойлар ясатиб борди. Энди навбат еттинчисига ҳам етиб келди. Бунисига келганда ёши ҳам улғайиб, нафақада бўлса ҳам ишлаб турди. Ахир охирги фарзанд олдидаги қарзини ҳам узиши керак эди-да. Энди пулни ҳам тежаб-тергаб сарфлаш керак. Одамзод фақат фарзандлар олдида қарздор бўлиб, кўнгли ўксимасин, деб елиб-югурар экан-у, лекин бирорта фарзанднинг "ота-онамдан қарздорман", деб елиб-югурганини билмайман. Ахир сув ҳам пастга қараб оқади-да.

Бир куни олима қизи шошиб-пишиб келиб: "Ойижон, пул топиб беринг, куёвингиз янги машина олмоқчи, етмай қолди", - деди. Яна, она экан-да, югуриб бориб кичкина сандиқчани очди-ю, тишининг кавагида сақлаб юрган бор пулини берди. "Ахир эр-хотин олимлар пиёда юрса ярашмас", деб ўйлаб ҳам қўйди.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, куёви янги машина олди. Мана, энди эр-хотин савлат тўкиб, уйнинг олдидан кунда ғизиллаб машинада ўтишарди-ю, бир дам тўхтаб: "Ойижон, қалайсиз?" - дейишга ярамасди.

Шундай қилиб, ой-кунлар ўтиб борар, эр-хотин олимлар эса қарзини қайтаришни орқага сурар, важ-корсонлар қиларди. Бир куни она шўрлик: "Майли, улар ишлик одамлар, ўзим бир бориб кўрай", деб қизиникига борди. Эшикдан кирса, уйда ноз-неъматлар тўла дастурхон ёзилган, меҳмон кутишарди. Янги хорижий мебелнинг бир чеккасига ўтирганини билади, ошхонадан югуриб чиққан Мукаррам: "Ойи, эс-песингиз борми, ўзи?" - деб чинқириб юборса, Ҳанифа аянинг ҳақиқатда ҳам эсхонаси чиқиб кетди. Хаёлида диванда ётган чақалоқни босиб олгандай ирғиб ўрнидан туриб кетди. Шунда қизи қўлини бигиз қилиб: "Туринг, бу жой нозик меҳмонларга, сиз нариги болалар хонасига киринг, чой-пой қилиб беришади", - деди аччиғидан қизариб. Қизи кўрсатган хонага кирдию, ерда солинган кўрпачага ўтириб, она шўрлик узоқ ўйга толди: "Тўғри-да, мен энди болалар хонасига лойиқ бола бўлиб қолдим. Эҳтимол, чой ичаётиб, нозик меҳмонлар олдида хижолат бўлиб, чойни оппоқ дастурхонга тўкиб юборарман. Нонни яхши чайнаёлмай, қизимнинг янги диванига ушоқ туширарман. Йўқ, мен бу хонадоннинг ҳеч қайси хонасига лойиқ эмасман", деди-ю, ўрнидан туриб, йўлакка чиқди. Ошхонадан ширин таомнинг ҳиди келди. Эрталаб нонуштани чала қилган эканми, қорни оч қолгандай бўлди. Орқага қайрилиб ҳам қарамай чиқаётганида куёви Анваржон: "Ойи, ўтирсангиз бўларди, овқат ҳам пишиб қолди", - деди кўнгил учун. Ая индамай чиқиб кетди, хўрлиги келиб уйига етиб келди-ю, тўйиб-тўйиб йиғлади.



Ая намланган кўзларини секин артди, деразадан ташқарига қараса, осмон тўла юлдузлар. Юлдузлар, оҳ менинг юлдузларим, қаердасизлар? Ахир соғинчдан шундай ҳам хаста юрагим ўртаниб, тилка-пора бўлди-ку! Нега қанотларим қайрилиб, белларим букилиб, кўзларим хиралашиб қолганда ёлғизлатиб қўйдиларинг! Ёшлигимда тортган азобларим каммиди, қариган чоғимда ғариблик азобида ёндириб-куйдирсаларинг? Ахир мен ҳам ғаниматман-ку, болажонларим, ҳар бир кун, ҳар бир дам ғанимат-ку!

Шўрлик она осмонга қараб йиғлар, юлдузларини ахтарар, излар эди. Лекин самодан садо чиқмасди.

Ая яна хаёл дарёсига чўмди.

Кунларнинг бирида кенжатойи Муҳаррамга ўзи туғилиб ўсган қишлоғидан совчи келди. Ая кенжасини ўқита олмади, лекин ҳунарли бўлди, чеварлик қилиб, топган анча-мунча пулини рўзғорга ишлатар эди. Бўлғуси куёв оддийгина меҳнаткаш йигит бўлиб, трактор ҳайдар экан. "Майли, тенгини топсанг, текин бер", деди-ю, розилик берди. Қизини опасиникига чиқариб, хабардор қилди. Эртасига кечки пайт кириб келган Мукаррам томдан тараша тушгандай: "Ойи, нима бало, сизни жин урдими? Ҳамма қизларни олий маълумотли куёвларга бериб, бунисига келганда... Синглим шўрлик, қоп-қора мой уст-бош ювиб, тоғора қучоқлаб ўтадими? Мендай олима, доцент одамнинг куёви тракторчи бўладими?"-деб шундай бақирдики, онаси ўтирган жойидан туролмай қолди. Бир оздан кейин Муҳаррам онасини маҳкам қучоқлаб: "Ойижоним, хафа бўлманг", - деб юзини юзига қўйиб йиғлаб юборди. Она-бола узоқ йиғлашди.

Ўшанда Ҳанифахон ая бир лаҳза келинлигидаги илк кечани эслади. Водий удумига кўра, тўйнинг биринчи кечаси, келин-куёвга кўрпа солиб, жой қилиб, куёвнинг ўртоқлари ёр-ёр айтиб, кузатиб бўлиб: "Омин, етти ўғил, етти қизлик бўлишсин, қўша қаришсин",- деб дуо қилишганди. Ўша дуонинг иккинчи қисми ижобат бўлганига Оллоҳга шукроналар қилар албатта, лекин бир куни паймонаси тўлганда, охирги йўлга кузатиб бориб, қўлида даст кўтариб қабрга қўя оладиган бир донагина ўғил бўлмаганига ўксинар, ўкинар эди.

Тўй ҳаракати ҳам бошланди. Куда томон ҳам қўли қисқароқ эди. Шунинг учун ҳам тўйни "борини ошириб, йўғини яшириб", баҳоли қудрат ўтказишга келишишди. Мана энди пул керак бўлиб қолди. Олима қиздан эса дарак йўқ. Нима қилишни билмаган она кенжатойини олиб, опасиникига боришди. Кўп қаватли уйда яшашарди. Энди худога шукур, одамнинг оғзи очилиб қоладиган қарсиллаган қасрлари бор. Она-бола тўртинчи қаватга чиқишиб, нафасларини ростлашиб, эшик қўнғироғининг тугмачасини босди. Бироздан сўнг ичкаридан: "Ким, ким, у"?, деган овоз эшитилди. Шунда онаизор ҳаяжон аралаш: "Болам, оч, менман, мен", деб жавоб берди. Ичкаридан бир неча қулфларнинг шарақлаган овози эшитилиб, оғир эшик секин очилди. Она қизини маҳкам қучиб: "Жоним болам, жоним омонми?" - деб сўрашди. Қизи эса совуққина қилиб: "Ҳа, тузук", деди.

Ичкарига кирган она атрофга разм солиб қараса, деворда қимматбаҳо гилам, бурчакда янги рангли телевизор, уй тўридаги "стенка"да чиройли қилиб терилган биллур идишлар, кўзни қамаштирадиган қандил осилган, хуллас, ҳаммаёқ бекаму-кўст жиҳозланган. Қизи кундуз куни дам олаётган эканми, уйқудан шишинқираган кўзларини артиб: "Хўш, хизмат?", - деди. Ая ҳайратдан ёқа ушлаб: "Жон болам, мен қўлинг остидаги хизматчингманми, "хўш, хизмат?", дейсан, жоним қизим. Ахир не умидлар билан ўстирдим, ўқитдим сени", - деганини билади, қизи гапини чўрт кесиб: "Жонга тегди бу гапларингиз, минг марта эшитганман. Туғманг эди, боқманг эди. Хўш, айтинг, мақсад нима, мақсад?" - деди ранги ҳам оқариб, ҳам гезариб.

Ор-номус кучлилик қилиб, шарт ўрнидан туриб кетаётганда қизи Муҳаррам: "Опажон, пулга келган эдик", - дейиши билан опа жонивор: "Мана сенга пул, мана, мана", - деб бетига шапалоқ тортиб юборди. Нима бўлганини англаёлмай қолган онаизор ажратмоқчи бўлиб, қизининг қўлини ушлаганини билади, биров кўкрагидан шундай итариб юбордики, остонадан отилиб чиқиб, зинапоянинг темир панжарасига боши урилиб, ўтириб қолди. Эшикнинг шарақлаб ёпилганидан сўнг хушига келиб, рўмолини тўғрилаб ўрамоқчи бўлиб қараса, қўли қон. Аъзойи бадани қалтирар, титрар, юраги қинидан чиққудай тепарди. Ёнида кенжатойи: "Ойижон, туринг, кетайлик", - деб қақшаб йиғлаб-сиқтарди.

Ўша кеча тонггача кўз юммай, илондай тўлғониб чиққан муштипар она, она бўлиб яралганидан пушаймонлар еди ва ўзига-ўзи сўйлаб: "Оҳ, бу қорнимда тўққиз ойу тўққиз кун бола эмас, бир балони кўтариб юрган эканман. Умрим бино бўлиб, фарзанд қарғамаган эдим. Лекин оналик нафсониятим, орим-номусим, орзу-умидим, ҳамма-ҳаммаси топталди, янчилди", деди-ю, "болангдан қайтсин", деб пичирлади. Буни ёлғиз Оллоҳ ва ўзи эшитди.

Бироқ дарров айтган сўзларидан пушаймон бўлиб: "Дуоибад қилдиммикан, Оллоҳим кечиргин, ҳаммаси униб-ўссин, фарзандларининг камолини кўрсин, заволини тортмасин", - деб илтижолар қиларди.

Шундай қилиб, тўй ҳам бўлиб ўтди. Олима қизи тўйга келмади. Қолган қизлари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, биргаликда энг кичик қизни ҳам узатишди. Катта ҳовлида шўрлик она ёлғиз ўзи шумшайиб қолди. Шунда маҳалла-кўй: "Вақти-бемаҳал онасидан хабар олиб турар", деб қизи Мукаррам билан яраштирмоқчи бўлишди. "Ахир қизим билан уришмаган бўлсам, ўзи бир куни инсофга келиб қолар..." - дейишига қарамай, қўшниси Шаҳринисо ая қизини бошлаб келди. Юрайми-юрмайми, деб викор билан келаётган қизини кўрган она шўрликнинг меҳри жўш уриб, югуриб бориб: "Келақол, болажоним, онанг ўргилсин, шунча ҳам соғинтирасанми", - деб қучоқ очганда, қизи жойидан қимирламай: "Ўртоқ Азимова, келинг энди, майли, ярашайлик", - деб қўл узатди. Ҳанг-манг бўлиб қолган онанинг қучоқ очган қўллари ҳавода муаллақ қолди.

Ая ўша дамларни эслар экан: "Афсус, минг афсус, қизимнинг олимлигидан фахрланибман-у, лекин одамгарчилигидан чиқиб қолганлигини фаҳмламабман. Фарзандларимга Оллоҳдан бахту тахт, улуғ мартаба тилабману оддийгина одамга хос меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, инсофу диёнат тиламабман.

Ая оғир "уфф" тортиб: "Майли, бошлари омон бўлсин, орқамда қолсин, доғу ҳасратини кўрмай", - деб секин пичирлади. Она, она экан-да...

**Раъно ҲИММАТҚУЛОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

# Сиз она бўлмоқчимисиз...



***Оналик масъулиятини зиммасига олган аёл ўз танасида бўладиган ўзгаришларга, синовларга руҳан ва жисмонан тайёр бўлиши керак. Чунки, унинг зиммасига бағридаги жонзодни асраш масъулияти юклатилган. Соғлом бола туғиш учун унинг ўзи ҳам соғлиғига ҳар доимгидан кўра кўпроқ эътибор бериши шарт.***

Чунки, бу даврда унинг танасида катта ўзгаришлар бошланади. Боши айланиб ҳолсизланади. Турли ҳидларни ёқтирмай қўяди. Иштаҳаси йўқолиб, шўр ва аччиқ нарсалар егиси келади.

Буларнинг ҳаммаси қондаги гормонлар таркиби ўзгариши белгиларидир. Ўсаётган ҳомила аёлнинг ички аъзоларини босиши таъсирида шундай ўзгаришлар юз беради.

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойи энг асосий вақт ҳисобланади. Ўзининг она бўлишини ҳис этган аёл турли ҳаяжонли ҳиссиётлар аро яшайди. Баъзан уйқусиз тунлар, бирданига асабийлашишлардан қийналади. Аёл танасида бўладиган бундай ўзгаришлар унчалик хавфли эмас. Лекин ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида аёл киши жуда таъсирчан бўлиб анча қийналади. Бу пайтда кўнгил айниб, қусиши кучайиб кетса дарҳол касалхонага ётиши зарур. Бир кунда 9-10 марта қусиш ҳолатлари ҳам ҳомиладорликнинг енгил белгиси ҳисобланади. Бу вақти билан ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Кўпинча бундай ҳолатлар ҳомиладорликнинг тўртинчи ойигача давом этади. Айнан ана шу пайтларда бўлажак оналар ейдиган овқатларига эътибор беришлари зарур. Ҳар икки-уч соатда, бир оз ёнбошлаб ётган кўйи оз-оздан овқат еб туришлари керак. Иложи бўлса, таомларни совутилган ҳолда истеъмол қилиб, ёғли овқатлар ва қаҳвадан воз кечган маъқул. Бу даврда ҳомиладор аёлларга енгил, қувватли ва тез ҳазм бўладиган таомлар ейиш, шунингдек, кўпроқ суюқлик, айниқса, маъданли сувлардан ичиш тавсия этилади. Чунки, анчагина суюқлик қусиш билан чиқиб кетиб, танада сувга муҳтожлик сезилади. Дорихоналарда сотиладиган "Тавегил" ва "Церукал" дориларидан кўп миқдорда эмас, кунига бир-иккитадан ичса бўлади. Акс ҳолда, улар қон босимини пасайтириб юборади.

Ҳомиладорлик даврида кўпчилик аёлларда жиғилдон қайнайди, аммо бу хавфли эмас. Иложи борича, аччиқ ва жуда ширин нарсалардан воз кечилади. Ҳар куни ярим литрдан сут ичиш фойдали бўлиб, ётишдан олдин овқатланмаслик керак.

Шуни айтиш жоизки, агар ҳомиладор аёлнинг онаси ёки бувисида бошқоронғилик, яъни, (токсикоз) кечроқ бошланган бўлса, демак, унда ҳам шундай ҳолат такрорланиш эҳтимоли бор. Ҳомиладор аёл бошдан кечирган касалликлари ва уларнинг асорати ҳақида даволовчи шифокорни албатта хабардор қилиши керак.

Бўлажак она шифокор тузиб берган қатъий режа бўйича назорат остида бўлиши шарт. Гинеколог ҳузурига бориш, ҳомиласининг қандай ўсаётганини билиш ва зарур маслаҳатларни олмаслик туғиш пайтида жуда қийин ва оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлади. Бу вақтда аёл ишда ҳам, оилада ҳам асабийлашмаслиги керак. Тан олиш керакки, ҳомиладор аёлларни баъзан яқинлари, ҳаттоки, турмуш ўртоқлари ҳам тушунмай қолиши мумкин. Шу боис, руҳшуноснинг маслаҳатлари мана шундай қийин ва мураккаб вазиятларда жуда қўл келади. Ҳомиладор аёл учун вақтида дам олиш, ухлаётганда эса чап томони билан ётиш тавсия этилади. Бу ҳолат асабийлашишнинг олдини олиб, ички аъзолар фаолиятининг яхши ишлашини ҳам таъминлайди.

Ҳомиладор аёлнинг овқатланиши саломатлиги учун жуда муҳимдир. Меъёридаги овқатланиш кеч бошланадиган токсикознинг олдини олади. Овқат таркибида оқсил, ёғ ва дармондорилар кўпроқ бўлиши зарур.

Кечки токсикоз даврида бўладиган хавфнинг олдини олиш учун шифокор билан бевосита мулоқотда бўлиш керак.

Оёқлар шишиб кетмаслиги учун, сув кўп ичилмайди. Шўрва, мевалардаги суюқликларни ҳам ҳисобга олган ҳолда кунига 1,5 литр сув ичиш кифоя. Буйракни даволашда ишлатиладиган табиий ўтлар дамламасидан ичиш сийдик ажралишини тезлаштиради. Бу ўтлар дамламасидан ҳар куни 1,5 стакандан уч маҳал ичилади. Шунга қарамасдан оёқ ва қўллардаги шишлар кетмаса, зудлик билан шифокорга учрашиш зарур.

Кечки токсикоз белгилари сезилганда касалхонага ётиб даволаниш зарар қилмайди. Ўз вақтида қилинган муолажалар эса ҳомилага таъсир қиладиган турли асоратларнинг олдини олади.

Эрта кечадиган токсикоз унча хавфли бўлмаса-да, лекин, кечкиси ҳомиланинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Она вужудидаги турли ўзгаришлар ҳомилани ўраб олган йўлдош (плацента) даги қон айланишига салбий таъсир қилади. Чунки, у ўсиб ривожланиши давомида ана шу йўлдош орқали озиқланиб, ҳаво олади. Йўлдошнинг фаолияти бузилиши натижасида ҳомилага ҳаво етишмай қолади ва ички аъзоларига зарар қилади. Бу эса бола туғилганидан кейин унинг бўйи ўсмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёл доимий равишда, яъни, бола туғилгунча шифокор назоратида бўлиши, фарзанднинг соғлом туғилишини таъминлайди.

Шифохонада ётиб даволанмасдан ўз билганича даволаниш ярамайди. Чунки, бу даволаниш жараёни анча мураккаб ва доимий шифокор назоратини талаб қилади. Яъни, онанинг оғирлиги, қон босими мунтазам ўлчанади. Ҳар куни истеъмол қилинган ва чиқарилган суюқликлар аниқланади. Сийдикнинг таркиби мунтазам текширилади, чунки, унинг таркибида оқчимол моддалар кўп бўлмаслиги керак. Ҳомила УЗИ аппарати орқали текширилади. Кардиотахография усули орқали эса ҳомиланинг юрак уриши, унинг ҳаракатланиш фаолияти текширилади.

## БОЛА СОҒЛОМ ТУҒИЛИШИ УЧУН...

Бўлажак оналар ўз фарзандларига туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳомиладорлик меъёрида кечсагина бола осон ва асоратларсиз, соғлом туғилади. Бўлажак оналар ҳомиладорликнинг уч босқичидан муваффақиятли ўтишлари керак.

Кўпинча, аёлни ҳомиладорликнинг биринчи ойидан бошлаб, уй-рўзғордаги майда-чуйда юмушлардан ҳам озод қилиб қўйишади. Ваҳоланки, унинг кам ҳаракатланиши фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради. Чунки, ҳаракат бу - ҳомиланинг ҳаёти. Ҳомиладорликнинг биринчи ойидан бошлаб енгил жисмоний ҳаракатларни бажара бориш кони фойда. Ҳар куни кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиш, сувда сузиш, толиқтирмайдиган, оддийгина машқларни бажариб бориш билан аёл ўзини аста-секин туғишга тайёрлаб бориши зарур. Шундагина она соғлиғини йўқотмайди, фарзанди ҳам соғлом туғилади.

(Давоми бор)

**Биринчи уч ойликнинг охирига бориб аёлда бироз толиқиш, умуртқа поғонасида зўриқиш, оёқларида эса оғирлик сезилади. Ҳомиладор аёлларнинг қуйидаги ўзига хос енгил жисмоний машқларни бажариб юриши эса ушбу ҳолатларнинг олдини олади.**

*Оёқларни буккан ҳолда, полга ўтириб, қўллар билан икки томонга тортилиб, чуқур нафас олинади. Шу ҳолатда 1-2 сония ўтирилгач, қўлларни тушириб, секин нафас чиқарилади ва бўшаштирилади. Бу машқни 3-4 марта қайтариб, сўнг бошқа машқларни бажаришга ўтиш мумкин.*





*Қўлларни тирсакдан букиб, чордана қуриб ўтирилади (ўнг кафт юқорига, чап кафт эса пастга кўтарилади).*

*Қўлларни навбат билан пастга тепага кўтариб тирсаклар ортга букилади. Машқ 8-10 марта такрорланади. Бу орқа курак соҳасидаги қон айланишини яхшилаб, елка тўқималари қайишқоқлигини оширади.*



*Чалқанча ётган ҳолда қўллар икки томонга чўзилиб, оёқлар жуфтлаштирилади. Нафас олганда тиззани букиб, оёқ панжалари билан ерга тиралиб қорин кўтарилади. Буни бир неча сония қилинса кифоя. 5-10 сония дам олгач, ушбу машқни 8-10 марта қайтариш мумкин. Бу машқлар бел ва қорин мушакларининг чўзилувчан бўлишига ёрдам беради ва туғиш осон кечишини таъминлайди.*

*Полга чалқанча ётилиб тиззадан букилган оёқлар тепага кўтарилади, бош эса кафтлар орасига олинади. Оёқларни туширмаган ҳолда чуқур нафас олиб, орқа кураклар ердан кўтарилади. Бу машқлар ҳомиладорлик даврида белда пайдо бўладиган оғриқларнинг олдини олади.*



Саҳифани ДИЛБАР ва ГУЛБАШАКАР тайёрлашди.

# САВОЛ - ЖАВОБЛАР, МАСЛАҲАТЛАР

## ҚОНДА ҚАНД МИҚДОРИ...

***Қизалоғим 6 ёшда. Лекин қисматни қаранг-ки, у қандли диабет касалига мубтало бўлиб қолди. Дунём қоронғу. Ҳали инсулин бошламадик. Унга нима мумкин? Нима мумкин эмас? Наҳотки, энди ҳаётимиз бутунлай ўзгариб кетади?!***

**Ҳайитова Г.**
**Самарқанд вилояти.**

* * *

Қонда қанд кўпайиб кетмаслиги учун ҳаёт тарзингиз ва фарзандингизни овқатланишини ўзгартиришга тўғри келади. Ширинликларни, нон, ёрма (гречкадан ташқари), макарон маҳсулотлари, сут ва қатиқ маҳсулотлари, картошка, жўхори истеъмол қилишни чеклаш лозим. Дуккакли ўсимликлар ҳам қонда қанд кўпайтириши мумкин. Шунинг учун болага уларни кам миқдорда, онда-сонда берган маъқул. Болани кунига 5-6 маҳал овқатлантиринг. Қизингиз овқатни яхшилаб чайнаб, шошилмай есин. Кунига 3-4 маҳал қондаги қандни глюкометр асбоби билан ўлчаб туринг. Кучли жисмоний зўриқтирадиган ҳаракатларни қилдирманг. Чунки зўриқиш қондаги қандни бирдан тушиб кетишига олиб келади. Бу эса ҳушдан кетишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин енгил жисмоний ҳаракат бола учун жуда муҳим. Ҳаракат меъёрини беморнинг ёши, диабетнинг даражаси ва бошқа касалликларини ҳисобга олган ҳолда шифокор белгилайди.

## ОВОЗИМ - ИШ ҚУРОЛИМ

***Мен мактабда ишлайман. Ўқувчилар билан мулоқотим овоз билан бўлади. Овозим - иш қуролим. Баъзан шунақа кўп гапиришга тўғри келади-ки... Кечқурун эртага эрталаб гапира оламанмикан, деб ўйлаб қоламан. Овоз пайларини қандай асраш мумкин?***

**Комилова М.**

* * *

Товуш пардалари зўриқадиган иш фаолиятида махсус қоидаларга амал қилиш керак. Асосийси ҳар бир имкониятда овозга дам беринг. Яхшиси танаффусда ҳамкасблар билан суҳбатлашгандан кўра, гапирмай нафас ростлаганингиз маъқул. Ишдан сўнг, тоза ҳавога чиқишдан аввал, айниқса қишда, 15-20 дақиқа овоз пардаларини тин олдиринг. Агар ҳаво совуқ ва нам бўлса, кўчада гапирмасликка ҳаракат қилинг. Бундай обҳаво товуш пардалари учун жуда хавфли. Уйга келиб ялпиз, чўл ялпизи (шалфей) билан иссиқ, юмшатувчи ингаляция қилинг. Қайнаган бир стакан сувга бир ош қошиқ ўтни солиб, ундан чиқаётган буғдан бир неча дақиқа нафас олинг.

## ҚУЛОҚ ОҒРИГАНДА...

Ўғлимнинг гўдаклигидан қулоғи оғрийди. У доим оғриқдан бақирар, ҳатто овқатлана олмасди. Шифокор чақирдик. У касалхонага ётишни тавсия қилди. Рози бўлмадим. Тағин қулоқ оғриғи билан бориб, бошқа касалликларни орттириб келмайлик. Қолаверса, бир ярим яшар бола билан касалхонада ётишни ўзи бўлмайди. Онаси эса олиб ётолмайди. Яна кичкинамиз бор. Тилхат ёзиб бериб, уйда қолдик. Бола эса чириллаб йиғлашдан тўхтамасди. Таниш шифокоримизга у болалар шифокори бўлмаса-да, мурожаат қилдик. Дўстим қуйидаги маслаҳатни берди:

Борний спирти билан глицеринни тенг миқдорда олиб, аралаштирасиз. Пахтадан пилик қилиб, уни аралашмада ҳўллаб, болани қулоғига қуясиз. Кичкинтойни яхшилаб ўраб, ухлатасиз.

Бу муолажани уч бора такрорладик. Оғриқ қолди. Ўғлим ҳозир катта бўлиб қолди. Орадан анча вақт ўтса-да, уни қулоғи сира безовта қилмади. Ўйлаб-ўйлаб бу муолажани сизларга тавсия қилдим. Чунки кўпчилик болаларнинг қулоғи бўлмаганда бирор марта бўлса-да, оғриб, безовта қилади. Шунда бу маслаҳат ота-оналарга асқотиб қолар.

**Абдураҳмонов А.**
**Навоий шаҳри.**



## ЗИРАПЧАГА ҚАРШИ - КАРТОШКА

Ёз бўлди дегунча болаларимни олиб, қишлоққа кетаман. Икки ўғлим бор. Табиат қўйнида яйрашади. Куни билан кўчада бўлишади. Шўхликлари ҳам ўзларига етгунча. Бу йил ҳам дам олишга чиқдик. Бир куни улар қўллари шилинган, кафтлари тилиниб, ёрилган ҳолда келишди. Болалар қайсидир хароба уйга кириб ўйнашган, биттаси тасодифан рандаланмаган тахтага кафти билан тойиб, йиқилган. Иккинчиси ҳам ёрдам бераман деб шу аҳволга тушган. Болаларимни қўлларига қараб бўлмасди: териси шилинган, зирапча тўла. Бир чеккадан зирапчаларни териб ола бошладим. Уларнинг чинқириғи уйни кўтарди. Амаллаб, зирапчаларни териб ташладим. Лекин кафтларига на перекис, на йод қуйишимга беришмади. Ўйинларини қизғаниб, кўчага шаталоқ отишди.

Эртасига... уларни қўллари шишиб, газак олибди. Нима қилишимни билмай, қўшни кампир холаникига чиқдим. Бирорта дори-дармон топилар деб. Лекин у менга оддий даволаш усулини айтди.

Картошкани пўсти билан қайнатилади. Пўсти арчилиб, ичига иссиқ сариёғ солинади. Ёғли томони кафтга қўйилиб, эрталабгача латта билан боғлаб қўйилади.

Кейинги куни қолган зирапчалар чиқиб кетади. Сариёғли картошка йирингни тортиб олади. Шилинган жойлар анча битиб, оғриқ ҳам қолди. Яна икки кеча болалар кафтларида картошка билан ухлашди. Агар қўшни буви бўлмаганида болаларимни шаҳарга олиб кетиб, даволатишимга тўғри келарди.

**Рустамова Н.**
**Фарғона вилояти.**

## ТАБИИЙ ЎТЛАР - МАЛҲАМ

Қизимнинг соғлиғи билан доим муаммога дуч келамиз. Қизалоғим Нозимахон нимжон туғилди. Дисбактериоз, диатез касаллиги доим безовта қилади. Мана энди устига-устак аллергия бўлиб қолди. Шамоллашдан-ку бошимиз чиқмайди. Ўтган йили ҳар ой оғриди-я, гўдаккинам. Хонадон шифокори, тўғриси, биздан безор бўлди. Кўришни ҳам истамайди.

Доимий бурун оқиши, бронхит... Дори берай десам, аллергияси бор. Қандай қилиб даволаш мумкин, ҳайронман. Лекин, қандай қилиб бўлса ҳам бу муаммони ечиш керак. Худо асрасин, бронхити сурункали бўлиб қолса борми?!

Ниҳоят мени тушунадиган шифокор топдим. У: "Агар кимёвий муолажани болага ижобий таъсиридан кўра, салбий жиҳати кўп бўлса, халқ табобатига мурожаат қилган маъқул", - деди. Бронхитни ҳам табиий ўтлар билан даволаш мумкинлигини ўша нажоткор менга айтди.

Яхшиямки Нозимахонни асалга аллергияси йўқ. Дастлаб, мен қуйидагича ширин дори тайёрладим:

200 гр. асалга 100 гр. бодрезак мевасини солиб, 5 дақиқа қайнатдим. Кунига 4-5 маҳал 2 ош қошиқдан боламга иссиқ сув билан ичирдим.

Шамоллаш, бронхитнинг даволашни яна бир усулини тавсия қиламан:

Бир чой қошиқдан хантал (горчица) кукунига ўсимлик ёғи, ароқ олиб аралаштирасиз. 3 ош қошиқ кепак ва озгина иссиқ сув солиб, кулча тайёрлайсиз. Уни юпқа мато устидан боланинг елкасига қўйиб, елим халтадан бир парчасини кесиб олиб, ёпасиз. Эҳтиётдан кулчани юрак томонга қўйманг. Агар бола каттароқ бўлса, кулчани кўкрак устига ҳам қўйинг. Фақат бола териси куйиб қолмасин. Тери қизариши билан кулчани олиб ташланг.

Бу муолажаларнинг иккинчи куни, ишонсангиз, йўтал пасайиб, бир ҳафта ичида қизалоғим касалдан фориғ бўлди. Қувонганимни кўрсангиз. Аввалари уч ҳафталаб ишга чиқа олмай уйда ўтирар эдим. Шундан сўнг халқ табобатига ихлосим ортди.

Қиш кунлари боламга бир чой қошиқдан бодрезак билан асал аралашмасини ичириб тураман. Касалнинг олдини олган яхши. Буни ёш болали оналаримиз жуда яхши тушунишади.

**Яҳёева Л.**
**Тошкент шаҳри.**

**Ўғлим ўртоқлари билан муштлашиб уйга кўзларини кўкартириб келди. Моматалоқ бўлган жойни қандай қилиб кетказиш мумкин?**

**Ш.Солиева,**
**Пастдарғом тумани.**

* * *

Аввало, фарзандингизнинг кўчада муштлашиб юришига йўл қўйманг. Модомики, шундай бўлган экан, қуйидагича даволаш усулини қўллаб кўринг. Ўша жойга совуқ компресс босинг-да, сўнг бироз муз қўйиб туринг. Иссиқни қайтарадиган дори (аспирин) ичира кўрманг, у қон айланишини ёмонлаштиради. Парацетамол ва бир неча кун С дармондорисидан ичиши мумкин.

**Мени вақти-вақти билан ҳиқичоқ тутиб туради. Сув ичсам ҳам тўхтамайди. Уни тўхтатишнинг бошқа усуллари ҳам борми?**

**К.ТОҲИРОВА,**
**Китоб тумани.**

Ҳиқичоқни тўхтатишнинг анъанавий усулларидан бири нафас олмай турищдир. Ўпкангизни тўлдириб нафас олинг-да, узоқроқ ичингизга ютиб туринг. Яна бир усул. Бир чой қошиқ шакарни тезлик билан ютиб юборинг. Агар сувни бошингизни энгаштириб ичсангиз ҳам фойда беради. Ёки:

Тик турган ҳолда қўлингизга ярим қилиб илиқ сув қуйилган стаканни олинг. Стаканга энгагингизни тиқинг, лабингиз стаканнинг четига теғиб турсин. Кейин сал энгашиб сувни ютинг. Ҳиқичоғингиз бир зумда тўхтайди, қолади.

## БОЛА БЕТОБЛИГИНИ СЕЗСАНГИЗ

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шифокорга мурожаат қилиш керак. Ҳеч бўлмаганда болага тўғри ташҳис қўйиш учун. Ёдингизда сақланг: болани даволаётганингизда баъзи бир муолажаларни амалга ошириш мутлақо мумкин эмас:

■ Қорин оғриётган маҳал оғриқ қолдирувчи воситалардан умуман фойдаланманг. Чунки бу ҳаракат ташҳис қўйишда қийинчилик туғдиради. (Масалан, кўричакни аниқлашда).

■ Оғриётган қоринга грелка қўйманг.

■ Болангиз учун махсус, алоҳида дори миқдори кўрсатилмаган рецептдан фойдаланманг.

■ Имкон қадар шифокор тавсия қилмагунча болага таблеткалар берманг.

■ 38 даража иссиқликдан юқори тана ҳарорати бор болага иситувчи компресс қилманг.

■ Иссиғи чиққан болага фақатгина иссиқ сувнинг ўзидан клизма қилманг. Сув хона иссиқлиги даражасида бўлсин.

■ Туғилиш даврида жароҳат олган, марказий асаб системаси зарарланган, бош ичида қон босими бор болаларнинг ҳароратини кескин туширманг. Зудлик билан шифокор чақиринг.

■ Ошқозонни ҳеч қачон марганцовка билан ювманг, у заҳарли. Бунинг устига танадан бутунлай чиқиб кетмайди. Аста йиғилиб, мияни зарарлаши мумкин.

■ Фарзандингизни ичи кетганда ич тўхтатувчи воситалар берманг. Агар ич суриш бирор инфекциядан бўлса, касаллик оғир кечиши мумкин.

■ Шифокор ҳузурига боришни пайсалга солманг. Болажонингиз соғлиғи борасида бирор шубҳа туғдирувчи ҳолатни сезсангиз ё кўнглингиз шу болагинангиздан нотинчроқ бўлса, яхшиси шифокорга мурожаат қилинг. Бу фақат сизнинг фойдангиз ва фарзандингизни соғлиғи йўлидаги уриниш бўлади.

**ДИЛБАР ва ҲАМИДА**
**тайёрлашди.**




**152** Асли вилоятлик бўлсам ҳам ҳозир Тошкентда яшайман. **Ёшим 43 да**, лекин маълум сабабларга кўра уйланмаганман. Ўз уйим бор. Ёшидан қатъий назар, турмушга чиқмаган, одобли, ахлоқли қизга (Қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ) уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ширинбой**

**153** Тошкентликман. **Ёшим 33 да.** Иккинчи гуруҳ ногирониман. Ҳали уйланмаганман. Тошкент шаҳрида яшайдиган, оқила, ораста ва меҳрибон қизга уйланиш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Эргашали.**

**154** **Ёшим 47 да.** Тахиатош шаҳрида яшайман. Уй-жойим бор. Ўзимни моддий таъминлай оламан. Битта қизим бор. У Тошкентда ўқиб, ишлайди. 50-55 ёшлардаги Тошкент шаҳрида яшайдиган олижаноб, касбли, ичмайдиган, чекмайдиган, уй-жойли бир эркак билан тақдиримни боғлаш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Аидахон**

**155** **Ёшим 44 да.** Хоразмликман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Тўрт нафар фарзандим бор. Ўзим ишлаб уларни таъминлаяпман. Ўз уйим бор. Аммо ҳаётда ёлғиз яшаш қийин экан. 50-55 ёшлардаги, қайси вилоятдан бўлса ҳам оиламни моддий таъминлай оладиган олижаноб эркак билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шоҳсанам**

**156** Бухороликман. **Ёшим 57 да.** Аёлим 10 йил аввал вафот этган. Фарзандларидан қутулган, уй-жойли, ораста ва ақлли аёл билан турмуш қурмоқчиман. (Қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ)

**Манзилим таҳририятда.**

**Қурбон**

**157** Тошкентлик **31 ёшли** йигитман. Тадбиркорлик қиламан. Уйланиб ажрашганман. Ота-онам билан яшайман. Уй-жойим бор. Турмушидан ажрашган аёл (иложи бўлса фарзандсиз) ёки ҳали турмушга чиқмаган 20-27 ёшгача бўлган қиз билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Каримбек**

**158** Тошкент туманиданман. **Ёшим 30 да.** Турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. 35 ёшгача бўлган тошкентлик ёки тошкент вилоятидан бўлган, уй-жойли, ишлайдиган диёнатли эркак билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зарнигор**

**БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50**

# ЗАВЖАМ РУҲИГА МАКТУБЛАР

**(Боши ўтган сонларда)**

Иккинчи томондан зурриёдлар-чи? Улар қандай қабул қиладилар, бу икки-уч хотинликни? Албатта улар болалигида болаларча, катта бўлиб эсини танигач, катталарча ўксиниб-ўксиб, ғижиниб-қимтиниб, норози бўлиб қабул қиладилар, буни. Гапнинг индаллосини айтганда, қўш хотинликка оналари рози бўлган бу турмушга фарзандлар ҳеч қачон рози бўлмайдилар. Ахир у онаси бошқа болаларнинг ҳам отаси-ку! Бу фарзандларнинг қай бири кўчада отани қўлидан ушлаб уйга олиб киради? Бири у уйга тортса, иккинчиси бошқа уйга тортқилаб турса, бундан бошқа кўргулик борми? Бундай пайтларда ота нима қилади? Қайси томонга босади? Буни у билмайди. Демак, сохталик қилади. Норасида болаларга ярашмаган алдам-қулдам гаплар қилади ва охири бирини алдаб, юпатиб, қўрс эркак бўлса, силталаб ташлаб, бошқаси билан у тортқилаган уйга киради. Фарзандларнинг буниси "ютиб" чиққанидан шод-ҳуррам отасини онаси олдига олиб киради. Униси кўнгли ўксиб, аламзада онасининг олдига бир ўзи кириб боради.

Зурриёдлар орасида кейин келиб чиқадиган низоларни, зиддиятларни, қирпичоқ бўлишларни айтмайсанми?! Э, ҳа, уларга қараб туриб, ич-ичингдан ачиниб кетасан, киши. Отанинг ёшликда қилган шўхлиги, бебошлиги оқибатида фарзандлар қирпичоқ бўлиб юрсалар, уларнинг уволи кимни тутади?! Отанинг назари камроқ тушган фарзандларнинг алам-андуҳлари-чи? "Икки уйликнинг оёғи тинмас, қўш хотинликнинг қулоғи", деган нақл кеча, бугун тўқилган эмас. Ахир ҳаммага маълум-ку, неча-неча йиллардан кейин ҳам беақл чиққан битта отанинг фарзандлари "унинг онаси бошқа" деган гап билан бир-бирларига "энг юмшоқлари" киши билмас терс қарашиб юрадилар ёки бир-бирларига меҳр қўймайдилар, ҳатто бир-бирларини кўрарга кўзлари бўлмайди... Аёл сифатида бунга сен қандай қарайсан? Қандай қарашинг менга маълум: нафратланиб қарайсан, албатта...

Хатим чўзилиб кетди. Кечир мени. Сени соғиниб-қучиб қолувчи Завжинг - Мен. Хайр, дилкашим.

**ЎТТИЗ ИККИНЧИ МАКТУБ**

Азизам, мана яна Тошкент боғида сендан кейинги бешинчи баҳор нафаси уфурияпти. Бироз ёзилармиканман, деб ёнимиздаги далага чиқдим. Қаёқда дейсан? Мен бир ўзим кезадиган ўзинг билган қадимги ариқ бўйида яна якка-ёлғиз ў-ў-ў-ўша оппоққина лайлакни учратдим. У ҳам мен каби жим, осуда, армонли бир ҳолатда дам одимлаб, дам тўхтаб нималарнидир ўйлаётгандай бўлади... У қачон ўз жуфтидан айрилган экан, дейман, ўйга ботаман. Аммо беш йилдан бери иккимизнинг ариқ лабидаги аҳволимиз шу... Тақдиримизга тан бериб юрамиз ёлғиз, узоқ-узоқларга термуламиз ёлғиз, мен сен билан, у жуфти билан хаёлан ўтлар босиб гаплашамиз ёлғиз...

Азизам, шу билан бу баҳордаги илк мактубимни тугатсам... Биламан, бундан бошлаб баҳор очилади, сочилади, муродига етади. Мен эса очилай... очилай, дейман, очила олмай сўлиб тушаман...

Ҳозирча хайр. Хаёлан баҳор қўйнида сени қучиб қолувчи қалбинг эгаси бўлган хожанг - Мен.

**ЎТТИЗ УЧИНЧИ МАКТУБ**

Салом тушларимда бирга яшайдиган Умр йўлдошим!

Биласанми, жоним, туш - одамзод ҳаётининг уйқудаги бир парчаси. Тушда инсон кимлар биландир мулоқотда бўлади, роҳатланади, фароғат топади. Ёки қўрқинчли, даҳшатли саргузаштларда бўлади, иштирок этади. Болалар болалар билан, йигитлар қизлар билан, қизлар йигитлар билан, эркаклар аёллар билан, аёллар эркаклар билан, яқинларини йўқотганлар ўша яқин кишилари билан ва ҳоказо суҳбатда бўладилар. Шириндан-шакар дамларини, кўнгил муносабатларини бошидан кечирадилар. Ёки одам кимлар биландир уришади, ёқалашади, кимлар биландир мазмунли суҳбатда бўлади. Баъзан номаъқулчиликлар, бемазагарчиликлар, ҳатто ўғирликлар қилади. Милицияга тушиб қўрқувдан уйғониб кетади. Қисқаси, тушда киши шу пайтдаги - ётиш олдидаги руҳий ҳолатига, руҳий-ҳиссий кечинмаларига, шу дамдаги туйғулари табиатига қараб у ёҳуд бу хилдаги воқеа-ҳодисаларда иштирок этади. Баъзан очиқ-равшан, баъзан ғира-шира, тушунарли-тушунарсиз, узуқ-юлуқ тушлар ҳам кўради. Аммо азизам, афсуски, туш инсон ақл-ҳушига, ихтиёрига боғлиқ кўринишда кечмайди. Унинг хоҳишидан, мақсадидан ташқарида кечади. Тушни одамзод ўзи истаганича бошқариб бора олмайди. Бу шунинг учунки, ҳозир айтганимиздек, туш кишининг иродасидан, онгидан айрилган руҳий ҳаёт. Масалан, тушда гарчи жисмоний ҳатти-ҳаракатлар бўлса-да, одам аслида физиологик ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Шундай эса-да, жоним, туш ҳам ҳаёт. Чунки инсон тушида ҳам яшайди, баъзан тушида яратувчилик қилади. Ўнгидагидек, яшамаса-да, ҳар қалай яшайди. Демак, туш - тўлароқ қилиб айтганда, инсон онгидан ташқаридаги ўзига боғлиқ бўлмаган, унга бўйсунмаган одам ҳаётининг тунги бир бўлаги...

Мана, бугун жоним, сени одатдагидек, тушимда кўрдим. Демак, юқорида айтиб ўтганимдек, тушимда бўлса-да, сен билан бирга яшадим. Бирга аллақаерларда юрдик, ўтирдик, гаплашдик, кулишдик. Қулоғингга аллақандай сирға тақиб қўйдим. Қулоғинг ҳам ўша-ўша ёқимли! Менинг ғашимни келтириб, қандайдир бир болакайга гап қотдинг... Аммо сени бир зум бўлса-да, ўз ихтиёримга сола олмадим эмас, солганим йўқ. Ўзим ўнгимда истаганимдек, орзиқиб кутганимдек, юмушга бошлай олмадим эмас, бошлаганим йўқ. Ахир, ўнгимда сени соғиниб, ичикиб юрган бўлсам-у, озиб-ёзиб тушимда бирга бўлганимда шу соғинчларимни қондириш сари иш қила олмасам, қизиқ-да! Бу нимани кўрсатди? Бу - яна қайтараман, туш инсон ўнгидагидек унинг ихтиёрига, унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ ҳаёт эмас. У инсоннинг бутунлай ўзлигидан ташқарида, мия ичида кечадиган ҳаёт...



Шунга қарамай, менга қолса, тушни ҳам ҳаётимиз солномасига киритган бўлардим. Бежиз эмаски, Нодирабегим тушини ҳаётининг бир парчаси деб билиб, умр йўлдоши - Амир Умархонни эсларкан: "Тушимда кўрсам эди, бир", деб нолаи фиғон қилган.

Кўп афсус-надоматлар бўлсинки, туш, деган неъмат ҳам фақат тириклар учун экан. Қани, ўзинг айтақол, сиз руҳлар туш кўрасизларми? Сен азизам бирон марта туш кўрдингми? Тушингда мен билан бирга бир дақиқа бўлса ҳам бирга бўлдингми? Ўйлайманки, йўқ! Туш ухлайдиган зотларда бўлади. Шу жумладан, маҳлуқотларда ҳам. Сиз руҳлар, мен англашимча, биз тирикларга ўхшаб ухлаб-уйғониб турмайсизлар. Сизларнинг "яшаш" тарзингиз биз бандаларга номаълум. Нима бўлганда ҳам бизникига ўхшамайди, албатта. "Бизники"га, деб ҳозирча айтаяпман. Вақти-соати келади, мен ҳам "сизники" бўлиб қоламан. Бу пайтда эса мен сенинг ёнингда - жисмим жисминг ёнида, руҳим руҳинг қошида бўлади. Ҳозирча хайр, жоним. Сени қучиб-эркалаб қолувчи эржонинг - Мен.

**(Давоми бор)**

**Азимжон ҚОСИМОВ**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13502
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — М. ШУКУРОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 3 4 5 6